

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**  
**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА**  
**ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

Ўзбек тили ва адабиёти бакалавр таълим йўналиши  
битирувчиси  
Дурдиева Барнонинг

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

***МАВЗУ: “УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА ДРАМА ЖАНРИНИ***  
***ЎРГАТИШ”.***

**НУКУС-2008**

Мавзу: «Умумтаълим мактабларда драма жанрини ўргатиш»

Режа:

**КИРИШ**

**АСОСЛАМА**

**I БОБ.**

Умумтаълим мактабларда адабиёт дарсларида драма жанрини ўқитиш

**II БОБ**

Мустақиллик даври драматургияси

**ХУЛОСА**

**Фойдаланилган адабиётлар**

## **Асослама**

Миллий уйғониш, миллатнинг ўзлигини англаш жараёни, мазкур давр адабиёти руҳи ва мазмунини ташкил қилди. Бунини адабиётшунослик ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ эътироф этган эди. Миллий уйғониш биргина адабиёт доирасида қолгани йўқ, ижтимоий турмушнинг барча қатламларини қамраб олди, унинг самараси бўлмиш мустақиллик учун курашга келиб боғланди.

Миллий уйғониш минтақамизда жади́дчи́лик шаклида намоён бўлди ва у 20-йилларнинг ўрталаригача давом этди. 1926-йилдан советлар унга қарши кенг кўламда кураш бошладилар. 1929-йилдан уларни жисмоний тугатиш йўлга қўйилди. Бинобарин, бу ҳаракатнинг юзага келиши бевосита истило ва унинг оқибатлари билан боғланган бўлиб унинг шаклланиш даврини 1865-1905 йиллар билан белгиламоқ керак бўлади. 1905 йил воқеалари, хусусан 17 Октябрь Манифестидан кейин у ривожланиш босқичига кирди. 1916 йилга келиб, жади́дларимиз “қора халқни оқартирмоқ ва кўзин очмоқ чорасига” (Авлоний) киришдилар. Мамлакат ҳаётида ўчмас из қолдирган. 1916 йил мардикорлар кўзғолонида жади́дларимиз халқ билан ёнма-ён турдилар. Тараққийпарвар фидоий зиёлиларимиз мустақиллик учун курашни тўхтатмадилар. Миллий уйғониш (жадид) адабиёти XIX аср охирларида юзага келган мазкур ҳаракат ғояларининг адабий бадиий ифодаси эди. Мазкур давр адабиётининг миллий уйғониш нуқтаи назаридан ўрганиш бевосита мустақиллигимиз самараси бўлганлигидан ундаги миллий истиқлол ғоясини шаклланиши ва тараққиёти масалалари ҳамиша диққат марказимизда туради.

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон жади́дчи́лик ҳаракатининг бонийсидир. Унинг драматургия соҳасидаги ютуқлари ўзбек адабиётида янги даврни бошлаб берди. Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмас эди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат Ватаннинг аҳволидан кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарин, миллат учун шундай ойна керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин. Ана шу эҳтиёж ва зарурат Бехбудийни театр ва матбуот сари бошлади. “Падаркуш” ана шу тариқа юзага келди.

“Падаркуш” ўзбек драмачилигининг ҳамма яктил эътироф этган биринчи намунасидир.

Ҳозирга қадар Бехбудий ва ўзбек драматургияси худди бизнинг малакавий битирув ишимиздагидек аспектда махсус ўрганилган эмас. Мана шу эҳтиёжни назарда тутган ҳолда биз Бехбудий ва ҳозирги давр драматургиясини таҳлил объектига ташладик ва уни имкон қадар холис ёритишга, мактабларда драма жанрини ўқитишнинг сарали услубларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

## КИРИШ

XX аср бошларида маърифат, адабиёт, маданият майдонига дастлабки қадамини ташлаб, тез орада катта обрў-эътиборга эга бўлган зиёлиларимиз қатламига мансуб буюк аجدодларимиздан бири Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли Беҳбудийбир. Биз Беҳбудий шахсиятини, унинг ижодий меъросини ўзбек ва бутун Туркистон халқлари маданиятининг буюк вакили сифатида эндигина фақат Истиқлол шарофати билан ўрганишга киришдик. Чунки Беҳбудий Туркий халқлар орасидан етишган дастлабки истиқлолчи шахс бўлиб ўзининг бутун ҳаёти-фаолиятини мустамлакачиликка қарши, миллий мустақиллик учун курашга бағишлаган буюк бир сиймо бўлганлиги сабабли қизил империя унинг номини қарийб ярим аср давомида тилга олишга қўймади. Беҳбудийни маҳаллий буржуазия синфи манфаатларини ҳимоя қилган-шўро тузумига ёт кимса деб шаънига турли уйдурма тамғалар босиб келинди. Ваҳоланки, Беҳбудий бутун Турон эли халқлари маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатган буюк шахс сифатида тарихимизга кирган ва сира ўчмас из қолдирган.

Маданият тарихи ғоят кенг кўламли тушунча бўлиб, инсоният онгини шакллантириш ва ривожлантириш бобида илм фаннинг деярли барча соҳаларини ўз ичига олади. Шу билан барча илмлар уйғунликда юксалиб бориб жамият тараққиётини таъмин этади. Мазкур жараён дастлаб инсон таваккурини юксалтириш, онгини кўтариш, унинг қалбига ҳам миллий, ҳам умуминсоний фазилатларни чуқур сингдириш, ўз ватани, халқи, тарихи, бугуни, эртаси ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳис-туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш билан бирга

қўшилган ҳолда давом этади. Бехбудий ана шу буюк ғоя ва эътиқодни дилига жо қилиб 1900 йиллардаёқ етук олим, педагог, тарихчи, драматург, серқирра маърифатчи, жадинчилик ҳаракатининг етакчи арбобларидан бири сифатида тарих майдонига чиқди. Унинг қомусий олимлиги ўтмишдаги буюкларимиз анъаналарига жуда муносиб бўлиб, XX аср бошларида уларнинг ишларини янги даврга мослаб олиб борганлиги билан ҳам изоҳланади. Абу Али Ибн Сино, Беруний ва бошқа буюк аجدодларимиз сингари Бехбудий ҳам ўз даврининг бир қатор илмларини чуқур эгаллади. Тил, адабиёт, математика, жўғрофия, тарих ва бошқа фанлар соҳасида қатор илмий ишлар, дарслик ва қўлланмалар яратди. Бир қатор газета ва журналлар ташкил этиб ўзи раҳбарлик қилди, китоблар, хариталар босиб чиқарди, босмахона, мактаблар очиб маърифат тарқатди. Шундай қилиб, бутун Туркистон халқлари маънавий тараққиёти устида ғамхўрлик қилиб, бизга бой мерос қолдирди. Бехбудийнинг халқимиз тарихий тараққиётидаги мавқеини ўз замондошлари юксак баҳолайдилар, у ҳақда кўплаб фикр мулоҳазаларини жуда катта эҳтиром билан баён қиладилар. Жумладан, Файзулла Хўжаев Туркистон жадинчилик ҳаракати тарихини ёзганда Бехбудийга шундай баҳо беради:

«Туркистоннинг айрим жадинлари... Бухоро ва Туркистон жадин ташкилотлари ўртасидаги тафовутларга қарамай бир қангча қулайликларга эришиш учун бутун кучларини сарфладилар. Бу борада Маҳмудхўжа Бехбудийнинг эсламасдан ўтиб бўлмайди. Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг

кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жаидларидан унга тенг келадиган кишиси бўлмаса керак...»<sup>1</sup>

1929 йилда Қозонда босилиб чиққан «Ўзбек адабиёти» китобида эса «Ўзбек миллий адабиётининг негиз тошини Беҳбудий билан Фитрат қўйиб берди» деган эътирофга дуч келамиз. Бу гаплар ҳақиқат эди.

Мана шундай зиёли инсонлар томонидан яратилган сахна асарларини умумтаълим мактабларда ўқитиш ва ўқувчига тушунарли қилиб етказиб бериш ўқитувчидан катта билим ва маҳорат талаб қилади.

---

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев «Танланган асарлар» 1 том 84-бет

## I БОБ

### Умумтаълим мактабларда адабиёт дарсларида драма жанрини ўқитиш

Халқнинг маданий савияси ўсиб бориши билан санъатнинг жамият ҳаётига, унинг маънавий-психологик иқлимига таъсири ҳам орта боради. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётининг бурилиш даври бўлган ҳозирги кунларда адабиётнинг халқ ҳаётига таъсири жуда катта. Нафақат халқ маънавий қиёфасини шакллантиришда, балки иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда, ижтимоий ривожлантиришни яхшилашда ҳам адабиётнинг ўрни беқиёс. Чунки жамиятда энг яхши қонунлар ҳам уларга амал қилингандагина бирор аҳамият касб этади. Бинобарин, одамнинг қандайлиги жамиятнинг қандайлигини белгилайди.

Ҳозирда адабиёт ўқитишни ўрта, ўрта махсус ва олий мактабда тубдан яхшилаш масаласи турли даражаларда қайта-қайта кўрилаётгани боиси ҳам шунда. “Шарқ юлдузи” журнали 1987 йилнинг июн сониде “Мактаб ва адабиёт” мавзуида баҳс уюштириб, унда адабиёт ўқитишини қайта қуришнинг долзарб масалаларини илк бор кўтариб чиқади. Мазкур баҳс бошланганига ўн йилдан ошиб кетди ҳамки, у ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Бу орада адабий таълим икки бор янгиланди.

Мактабда адабиёт ўқитишдан *мақсад* ёзувчилар ва уларнинг айрим асарлари ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш эмас, балки эзгу маънавият шакллантиришдан иборатдир. Бу мақсадга ўқувчида бадиий адабиётга меҳр уйғотиш, адабиётнинг сеҳри олами тилсимини топиб бериш орқалигина эришиш мумкин. Дарсликдаги ва хрестоматиялардаги асарларни ўз талабаларига тўлиқ ўқитган, аммо уларни дастурда бўлмаган бошқа бадиий асарларни ўқишга ўргата олмаган ўқитувчи меҳнаткаш, фидоий бўлса-да, яхши муаллим саналмайди.

Жамият тараққиётининг бугунги босқичи комил шахсни шакллантиришни тақозо этади. Бундай шахсиз мустақиллик - пуч гап. Чунки мамлакатнинг мустақиллиги унда яшаётган кишиларнинг мустақиллигидан бошланади. Эстетик ва ахлоқий жиҳатдан етарли тарбия олмаган кимса баркамол шахс у ёқда турсин, умуман шахс бўлаолмайди.

Адабиёт предметининг вазифаси ўқувчиларни гўзалликдан ҳайратланишга, лол қолишга, ёмонликдан, қабоҳатдан нафратланишга, қийналишга, ўргатишдир. Яхши билан ёмон, гўзал билан хунук, ҳалол билан ҳаром фарқланмайдиган жамият таназзулга, инқирозга маҳкумдир. Мактаб адабиёти ҳар қандай одам учун ўзини таниш воситаси, ўзини таниш эса, ўзгани тушунишдан бошланади. Шунинг учун ҳам адабий таълимнинг вазифалари сифатида: оддий ўқувчидан китобхон ўқувчи, китобхон ўқувчидан ўқиганларини англайдиган ўқувчи, англайдиган ўқувчидан ўқиганини таҳлиллай оладиган ўқувчи, таҳлил қила биладиган ўқувчидан муайян асар ҳақидаги фикрини оғзаки ва ёзма тарзда қийналмай ифода эта оладиган ўқувчи тарбиялашдир деб белгилаш мумкин. Адабиёт ўз олдидаги вазифаларни муваффақиятли ўташи учун жамият олдида турган бугунги талаблар, вазифалар билан чамбарчас алоқада бўлиши лозим.

Адабиёт предметни ўрганиш туфайли ўқувчиларда ҳосил қилинган туйғу, билим, кўникма ва малакалар уларнинг турмушига, жамият ҳаётидаги иштирокларига хизмат этиши, ўқувчиларда соғлом дунёқараш, эзгу ҳаётий позиция ҳосил қилиши зарур.

Адабиёт бошқа предметлардан фарқи ўлароқ, одам учун фақат мактабдаги ўқиш давридагина эмас, балки умри мобайнида ўрганилиши зарурдир. Адабиёт яхши ўқитилса, мактабга келганида эплаб жумла тузаолмайдиган бола тилнинг маъно нозикликларини пухта эгаллаб олади. Ёзма ва оғзаки тарзда равон фикр ифодалашни ўрганади. Энг муҳими, унда покиза маънавият шаклланиши мумкин. Хулас, ўқувчиларнинг ахлоқий-

эстетик жиҳатдан комил бўлиб тарбияланиши адабиётга кўп жиҳатдан боғлиқ ва уларни шундай қилиб тарбиялаш адабиётнинг вазифасидир.

Билим ўз ҳолича ҳали эътиқод эмас. Эътиқодга айланмаган билим фойдаланилмай турган имкониятдир холос. Агар ўз вақтида тўғри тарбия кўрмаган бўлса, жуда кўп билимдон одамлар эътиқодсиз қолаверишади. Эътиқод одамнинг ўз фикрига, қилган хатти-ҳаракатига ахлоқий асос борлигига қатъий ишончи демакдир.

Адабиёт эътиқодни тарбиялаш курули ҳамдир. Адабиёт ўқитишнинг мазмуни, асосан, дастурда ифода этилади. Бундан ташқари дарслик, ўқув ва методик адабиётлар, кўрсатмали куруллар, ёрдамчи воситалар ҳам таълим мазмунини ташкил этадиган унсурлардир.

Адабиёт дастурида синфда нималар ўрганилиши, қандай асарлар ўқувчилар томонидан мустақил ўқилиши белгилаб берилади. Шунингдек, адабиёт назарияси бўйича ўқувчи ўзлаштирадиган билим ҳажми, боғланишли нутқни ўстиришга оид машғулотларга ажратилган соатлар ҳам кўрсатилади. Ўқитувчи дастурга ижодий муносабатда бўлиши лозим. Дастур расмий педагогик ҳужжат, тегишли муассасалар томонидан тасдиқланган ҳуқуқий асос бўлса-да, ҳеч қандай ўзгаришларни тан олмайдиган ақида эмас. Шу боисдан ўқитувчи ўқувчиларнинг характер хусусиятларини, билим савияларини ҳисобга олиб, унга айрим ўзгаришлар киритиши мумкин. Ўқитувчи мавзули режа тузишда дастур талабларини имкон қадар тўлиқ бажариш йўлини ўйлаш керак.

Дастурда учта асосий нарса бор: а) дастур материали; б) материални ўрганиш тартиби; в) машғулот миқдори.

Дастур материали, биринчидан, тарбиянинг талабига мувофиқ бўлиши, иккинчидан, болаларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши, учинидан, бадий жиҳатдан юксак бўлиши керак. Шу шартларга амал қилинса, тақдим этилган бадий материал ўқувчилар томонидан тез ўзлаштирилади ва уларнинг маънавиятига кучлироқ таъсир ўтказади.

Адабий таълим мазмунини ифода этадиган тушунчалар орасида адабиёт дарсликлари алоҳида ўрин тутди. Адабиёт дарсликлари ўқувчиларга ҳамма нарсани айтиб берадиган йўсинда эмас, балки уларни ўйлашга мажбур этадиган, муайян ақлий ва маънавий зўриқишни талаб қиладиган тарзда ёзилиши зарур. Шундагина улар ўқувчиларни ўзига ром этади ва уларнинг ишчи китобларига айланади. Ўзбек мактабларида дарсликлар кўп вақтлар мобайнида ўқитувчилар учун ҳам ягона манба бўлиб келди. Эндиликда ўқитувчилар савиясининг пасайишига олиб келадиган бундай ҳолга чек қўйиш вақти келди. шу боис ўқитувчилар учун алоҳида дидактик ашёлар тайёрлаш йўлга қўйилиши жоиз.

Айтилган дидактик ашёлар адабиёт ўқитишнинг асосларини ташкил этади.

Бевосита драматик асарни ўқитиш ва таҳлил қилишга ўтадиган бўлсак дастлаб драматик асарларнинг асосий белгиларини:

Драматик асарлар театр ва адабиётга хос хусусиятларнинг уйғунлашувини ҳисобга олиш зарурияти.

Драматик асарларни таҳлиллада сўзнинг алоҳида ўрнини кўзда тутиш.

Драма асарлари таҳлилида сахнавийликни ҳисобга олиш зарур.

Аслида драматик асарлар таҳлили ҳам худди эпик ва лирик турдаги асарларни таҳлил қилишга жуда ҳам ўхшаб кетади. Аммо драматик турдаги асарлар фақат ўқиш учун эмас, балки асосан кўрсатиш, намоёниш этиш учун ҳам ёзилганлиги сабаб театрда хос хусусиятлар ҳисобга олинishi, яъни яратилаётган вақтидаёқ асарнинг спектаклга айланиши кўзда тутилиши жоиз. Драматик асарлар таҳлили ўзгача синчковликни талаб этади. Аслида сўз ва театр санъатларининг омуктаси бўлмиш драмани ўқиш, идрок этиш ҳамда таҳлиллаш учун муайян даражада кўшимча зўриқиш лозим бўлади. Каҳрамонлар ва уларнинг туйғулари, инсоний сифатлари ҳақида муаллифнинг характеристикаси бўлмаган

шароитда асар қаҳрамонлари ҳолати, руҳияти ва шахсияти борасида фикр юритиш, муайян хулосалар чиқариш катта ақлий қувват тақозо этади.

Драма асарлари таҳлилида асосий эътиборни қаҳрамоннинг саъжиясини очишга қаратиш лозим. Негаки, ҳар бир драматик қаҳрамон табиати юзасидан уларнинг ўз сўзлари, хатти-ҳаракатлари орқалигина фикр юритиш мумкин, бу ишда бошқа адабий турлардаги сингари муаллиф ёрдам беролмайди. Драматик асарларни тулақонли таҳлил этиш учун театр санъати коидаларидан ҳам хабардор бўлиш зарур.

Драматик асарни таҳлилга жалб этишда ўқувчи бир қатор қийинчилиларга дуч келади. Аввало, драматик асарнинг ўқилиши бошқа турдаги асарлардан тубдан фарқ қилади ва муайян назарий тайёргарликни талаб этади. Шу хилдаги тайёргарлик йўқлиги учун ҳам ўқувчилар кўпинча драматик асарларни ўқимайдилар. Борди-ю, сахна асари ўқилган тақдирда ҳам уни идрок этиш, унинг замиридаги бадиий маънони топиш осон кечмайди. Чунки драма асарида муаллиф мутлақо иштирок этмайди, унинг позицияси бирор йўл билан баён қилинмайди ва асарда рўй бераётган тўқнашувларни маънавий жиҳатдан баҳолаш ҳамда ундан эстетик хулоса чиқариш китобхоннинг ҳаёт тажрибасига, интеллектуал даражасига, маънавий сифатларига боғлиқ бўлиб қолади. Мураккаблик яна шундаки, драма асарларида воқеа ҳам, туйғу ҳам етакчи бўлмайди. Бу хил асарларда характер асосий ўрин тутиб туради. Чунки драматик турдаги асарлар қандай жанрда бўлишидан қатъи назар **драматизмга** – руҳий хавотир шиддати тасвирига қурилган бўлади. Драматик асарда қаҳрамон учун ҳаёт-мамот аҳамиятига эга бўлган қандайдир бир нарсанинг қўлдан берилиши ёки амалга ошмай қолиши хавфи тасвирланган бўлиши керак. Ана шундагина драматик асар юзага чиқади. Таҳлилда ушбу назарий талабга алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади.

Драматик турдаги асарда қаҳрамон нутқи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Негаки, муаллиф баён қилиши ҳам, муносабат билдиришга ҳам, тасвирлашга ҳам ҳақли бўлмаган ушбу адабий турда нутқ деярли барча

вазифани ўз зиммасига олади. **Монолог** шакли билан томошабинларга, **диалог** тарзида сахнадош шерикларга мурожаат килишнинг, воқеалар ривожининг, характерлар очилишининг воситаси бўлади. Шунинг учун ҳам драмада нутқ алоҳида бир бадиий қувватга эга бўлади. Таҳлил мобайнида шу ҳолат ҳисобга олиниши лозим. Драматик нутққа доир яна бир жиҳат шундаки, драматик асар тили, албатта, бир қадар кўтаринки айтилиши, жарангли эшитилиши аниқ бўлиши лозим. Чунки у сахнада кўйилиши зарурлиги, томошахонанинг турли бурчакларида ўтирганларга эшитилиши учун шундай хусусиятларга эга бўлиши жоиз. Дунёдаги барча драматик қаҳрамонларнинг бир қадар сунъийроқ тилда сўзлаши ва Л.Толстой томонидан танқид қилинганлиги сабаби шунда. Драма қаҳрамонлари куюк туйғулар, ҳиссиётлар бўрони оғушида яшайдилар, кучли тўқнашувларни бошдан кечирадилар, кескин ва таъсирчан тилда сўзлашадилар, ҳар қандай воқеа-ҳодисага кескин ва кутилмаган муносабат билдиришга мойил бўладилар. Худди шундай жиҳатларни билган ва ҳисобга олган таҳлилчигина драматик турдаги асарларнинг маъзини чақа оладилар.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, **драматик асарни** таҳлил қилиш бошқа-ю, шу асосда ўйналган **спектаклни** таҳлил қилиш тамомила бошқа нарсадир. Чунки суз санъати намунаси бўлмиш драма спектаклга айланган театр санъати намунасига эврилади ва ўша санъатнинг қоидаларига мувофиқ яшай бошлайди. Режиссура, декорация, актёрлар маҳорати драма муаллифининг бадиий мақсадини тамомила ўзгартириб юбориши мумкин. Ижро мобайнида драма матнидаги барча нозикликлар йуқолиб кетиши мумкин бўлганидек, кучли ижро туфайли ўртамиёна бир асар томошабинда юксак таассурот қолдириши ҳам мумкин.

Агар драматик турдаги асарларнинг шу жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда иш юритилса, жуда таъсирчан таҳлил қилишга эришилади. Факат, бизнинг назаримизда, драма матни билан танишишдан олдин драматик асарга хос сахна, парда, кўриниш, монолог, диалог, лўқма, ремарка,

пролог, эпилог сингари сахнавий тушунчалар туғрисида тўлик назарий маълумотга эга бўлиш керак. Негаки, шу хилдаги назарий маълумотсиз сахна асарини тушуниб ҳам, таҳлил қилиб ҳам бўлмайди.

Драматик асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, драма бадий ҳодиса ҳаёт ҳодисасига айланган, кишининг сезги аъзоларига бевосита таъсир этиш қудратига эга бўлган ягона адабий турдир. Драмада қаҳрамонлар характери воқелик тарзида, томошачининг кўз олдида намоён бўлади ва кучли таъсир ўтказди. Шунинг учун ҳам драма асарларини таҳлил қилиш анчагина мураккаб юмۇшдир. Кучли инсоний характерлар, тўқнашувларидан ўт чакнайдиган ҳаётий зиддиятларнинг асосини топиш, пьеса қаҳрамонлари рухий тўлғоқлари билан таништириш орқали кишида инсоний позиция ва маънавий қадриятлар тизими шакллантирилади.

Кишидан маълум даражада ҳаётий ва маданий тажриба бўлиши, интеллектуал тайёргарлик талаб қиладиган драматик асарлар билан ёшлар канча эрта танишсалар ва улардан тезроқ баҳраманд бўлишса, уларнинг маънавиятини шакллантириш жараёни шунчалик муваффақият билан боради. Айримлар ғоят мураккаб туйғулар, чигал инсоний тақдирлар тасвирланган «Шоҳ Эдип», «Қирол Лир», «Мирзо Улуғбек», «Абулфайзхон» сингари асарларни идрок этиш мушкул, улардаги бадий маънони, одамзотнинг улкан дардларини, изтиробларини тушуниш қийин дейишади. Бу хилдаги «меҳрибонлик» одамни нафақат ақлан, балки маънан ҳам ялқов, танбал қилиб кўяди. Агар одам ўз вақтида хиссий тарбия кўрмаса, туйғулари камол топтирилмаса, ўн тўрт ёшида ҳам, қирқ тўрт ёшида ҳам инсоний туйғулардан, мураккаб кечинмалардан беҳабар яшаб ўтавериши мумкин. Фикр қилиш, ҳис этиш, туйиш ҳам бошқа ҳар қандай инсоний кўникма ва малакалар сингари ёшлиқдан шакллантирилиши лозим.

Масалан: «Шоҳ Эдип» трагедияси воқеалар трагедияси эмас, инсоний характерлар фожеасидир. Муаллиф асарда **нима бўлади** дегандан кўра, **қандай бўлади** деган саволга жавоб беришга кўпроқ эътибор берган.

Трагедия бошдан-оёқ қисматнинг қудратини, тақдирнинг инсон устидан чексиз ҳукмронлигини намоиш этувчи воқеалар асосига қурилган бўлса-да, Софоклнинг бемисл маҳорати туфайли асарда катнашган ҳар бир қаҳрамон пьеса давомида ўзининг чинакам қиёфасини тўлиқ кўрсата олади. Жаҳон адабиётида Эдип сингари изтироблар қийноғини тортган, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда гуноҳлар ботқоғига ботган ва шу боис кечирган азобларининг даражаси янада баланд бўлган бошқа қаҳрамонни учратиш қийин. Фожидаги изтироблар силсиласининг даҳшатли томони шундаки, асардаги қаҳрамонлар билиб қилган гуноҳлари учун эмас, балки қисматлари шундоқлиги учун азобларга гирифтор этиладилар. Софокл учун гуноҳнинг ким томонидан, нима учун ва қандай амалга оширилгани эмас, балки қилинган гуноҳ ва унга яраша ажр масаласи муҳимдир. Драматург инсон ва қисмат муносабатларини кўрсатиш жараёнида ҳар бир алоҳида инсоннинг ўз тақдири билан ўзига хос тарзда, маънавий дунёсига лойиқ даражада учрашганини ҳаққоний акс эттира билган. Билиб-билмай гуноҳга ботилдими, ундан тозаланиш учун ҳаракат қилиш жараёнида ҳар бир қаҳрамон ўзига хос йул тутди ва шу тарзда ўзининг инсоний сифатларини намоён этади.

Трагедия марказида турган Эдип – азалдан безовта ва ғамгусор қалб соҳиби. У ҳеч қачон шаънига доғ туширадиган иш қилмаган ва шу боис: «Менинг дилимдаги мудом тилимда», - дейишга ҳақли. Ўзга юртдан келиб, тақдирнинг хоҳиши ва ўзининг тадбиркорлиги туфайли бу юртга ҳукмдор бўлган Эдип қонуний шоҳ Лай ўлимида ўзининг иштироки бўлиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Шунинг учун ҳам марҳум Лай томонидан номаълум қотилга қарши: «Майли ўзим бўлай хунталаб ўғли», - дейди. Шундай одамга авлиё Тиресийнинг: «Юртга бу офатни келтирган - сенсан», деган даъваси даҳшатли адолатсизлик бўлиб туюлиши табиий, албатта.

Софокл бадиий тасвир тарихида биринчи марта перипетия деб аталувчи усулдан фойдаланади ва юксак бадиий натижага эришади.

Бадий асар қаҳрамонлари ҳаракатларининг улар истагига мутлақо зид натижа бериши тасвири усули перипетиядир. Эдип Лайнинг ҳалокатига чиндан ҳам алоқаси йўқлигини исботлашга, ўзига нисбатан айримларда пайдо бўлган шубҳани йўқотиш учун қилган ҳар бир ҳаракати, аксинча, ўзининг ҳам гумонини катталаштириб қотиллигини аёнлаштириб бораверади. Иокаста тилидан Лайнинг чорраҳада ўлдирилганини эшитганда, Эдип кунглига шубҳа уруғи тушади. Воқеаларнинг бундан кейинги ривожини мазкур шубҳа уруғининг тез кўкариб, мевалар беришига имкон яратади. Кутилмаганда, ўзининг Лай қотили эканини билиб, аёвсиз изтироб изканжасида қолган Эдип бошига тоғдан ҳам оғир фалокат ёғилади: у ўз отасини ўлдирган падаркуш, ўз онасига уйланган зинокор ва ундан фарзандлар кўрган бадбахт кимса экан!

Айни Эдипнинг, бир замонлар Фивани балолардан ҳалос этган шохнинг гуноҳлари туфайли юртга офат ёғилиши ва офатлар сабабчисини излаётган кишининг ўзи сабабчи бўлиб чиқиши тасвири асносида Эдип шахсиятига хос ёрқин ва гўзал жиҳатлар инкишоф этилади. Эдип шахсиятига хос ёрқин жараёнида вазиятнинг оғирлашаётганини, ҳақиқатнинг ойдинлашуви унинг зарарига хизмат қилишини билса-да, Эдип чўпонга: «Эвоҳ, сен айтишинг, мен тинглашим шарт», дейди. Бу ўринда Эдип тақдир қаршисида ожиз, лекин инсоф ва адолатга содиқ кучли шахс сифатида гавдаланади. Унинг ҳар бир гапи қанчалик азобланаётганлигини ёрқин кўрсатади. Шохнинг ҳаёт йўлларига киритган ҳар бир аниқлик унинг юрагига қадалган ханжар каби таъсир этиши ва унинг дахшатли оғриғи жуда ишонарли тасвирланган.

Эдип – ўзини аяйдиган киши эмас. У – ўзликни енгган, манфаатидан устун тура биладиган буюк инсон. Айни вақтда, Эдип – тирик одам. Оддий банда. Шу боис кўрқади, иккиланади. Шохнинг Иокастага қарата: «Шубҳам борки, авлиё кўр эмас», «кўрқаман, ортиқча гапирвордим», дея қилган иқрорларида унинг шу хислатлари намоён бўлади. Эдип шахсиятига хос етакчи фазилатлар: ҳалоллик ва виждонлилик.

Табиатидаги бошқа сифатлар унинг шу фазилатларига мос. Шунинг учун Эдип шиддат билан ўзини фош этувчи ҳақиқатнинг тагига етади. Бу ҳақиқат – ўлимдан-да оғир, шармандаликдан-да кир. Эдипдай инсон шу ҳолат билан келишишга мажбур. Буюк саналувчи инсоннинг нақадар ожиз экани мазкур ҳолат тасвирида бутун аянчли жиҳатлари билан намоён бўлади:

Тамом, бари аён! О, ёруғ жаҳон,  
Сўнгги бор кўрмоқда кўзларим сени,  
Ҳаёт – харом, нафас – харом, никоҳ – харом  
Қонга булғанганман, жирканчман, жирканч!

Ҳақиқат онларинининг бутун дахшати ўзининг ниҳоясиз залвори ва чексиз кўлами билан кишини босади. Эдип – йирик шахс. Шу боис ҳам ўзини гуноҳига яраша жазолай олади. Қисмат туфайли қилинган гуноҳ учун ўз ихтиёри билан ажр беради: кўзларини кўр қилади! Жазонинг салмоғи ҳам гуноҳнинг кўламига яраша. Эдип тушган шароитда ўлиш - қутулиш, яшаш – жазо демак. Азоб инсонни ғуссага олиб келади, ғусса чекиш покланиш йўлининг бошланишидир. Эдип адоқсиз покланиш сари йул олади. Эдипнинг ўзига берган жазоси лахзалик қарор натижаси эмас. Ҳалол ва виждонли одам ақли ва туйғуларининг ҳукмидир:

У дунёда отам-онам юзига  
Қандай боқдим – кўзларимни ўймасам?  
Бадбахт онам мендан тукқан болларга  
Қандай боқдим – кўзларимни ўймасам?  
...Юртга қонли доғ туширган қотилни  
Йўқ ўилишга узим фармон берганман.  
Энди эса фуқаронинг кўзига  
Қандай боқдим – кўзларимни ўймасам?  
Йўқ! Бу ҳам кам. Қўлим бўлса бақувват...

Қулоғимнинг пардаларин йиртардим...

Эдип кийноқлардан зорланмайди, енгиллик булишини хаёл ҳам килмайди. У – сунгги дамгача юрт кайгуси билан яшай оладиган инсон. Шу сабаб охирги дамда:

Мен бадбахт бошимни олиб кетаман,

Токи худоларнинг кахру газоби

Юртимга ёгилмасин, - дея фиваликларни офатлардан халос этишга уринади.

Асардаги бошқа қаҳрамонлар ҳам фожианавис томонидан жуда пухта ишланган. Хусусан, Иокаста, Креонт, Тиресий образлари бадий баркамоллиги туфайли ханузгача ҳам эстетик қимматини йўқотмай келмоқда. Иокаста – аввало аёл. Онага, аёлга, хотинга хос барча хусусиятлар унга ҳам бегона эмас. Иокаста ҳам ҳамма аёллар сингари, аввало, рўзгорининг тинч, яқинларининг беташвиш бўлишини истайди. Унинг учун олий ҳақиқатга етишдан кўра, оила бутунлигини сақлаб қолиш муҳимроқ. Элчи билан Эдипнинг суҳбатидан эрининг аслида ким эканини эркақлардан олдинроқ сезиб қолган фаросатли Иокаста: «Бари бир эмасми? Мунча ёнмасанг...», - дея илтижо қилади. Эрига қарата: «Билмаганинг яхши зотингни, шўрлик!» - деб ёзғирганда ҳам, бутун ҳақиқатни билгач, сир бермай, Эдип ва элчи ёнидан кетиб қолганида ҳам чинакам аёл, оиласи тинчини ўлайдиган меҳрибон хотин сифатида намоён бўлади. Ўз ўғлига хотин бўлганини, боласидан фарзандлар туққанини билган Иокаста бир аёл қилиши мумкин бўлган ишни қилади: ўзини осади! Иокаста шахсияти Эдип шахсияти сингари кўламдор эмас. Шу боис ҳам у Эдип сингари чора кўриши ёки сунгги дамда юрт ташвишини ўйлаши мумкин эмасди. Софокл бу ҳолни буюк санъаткорлик билан ифода эта билган.

Драматург қаҳрамонлари руҳиятини энг нозик жихатларигача беҳато кўради ва ёрқин тасвирлай билади. Сир очилгач, Иокастани излаётган Эдипнинг фожиона ҳолати тасвири дахшати шундай берилади:

Тиф судраб кимнидир суриштирди у,  
Қани хотиним, деб айта олмасди,  
Айта олмас эди, қани онам деб...

Эдипнинг Креонтга қарата: «Уни..., Уйдагини... ўзинг дафн этгил,  
Ўзинг бил... бу сенинг қондошлик бурчинг», - дея қилган илтижосида  
қаҳрамон рухиятидаги адоқсиз ғам, чексиз хижолат жуда ингичка, нозик  
тасвирланганки, бу сатрларнинг йигирма беш аср олдин битилганига одам  
ишонмайди. Айни бир ҳолатдан бир-бирига зид икки хил маъно чиқариш,  
бир вазиятдан қарама-қарши ҳулосаларга кела билиш «Шоҳ Эдип» асарида  
юксак санъат даражасида ҳал этилган. Эдипнинг қизлари билан  
хайрлашуви сахнаси бу жиҳатдан ақлни лол қолдиради:

Қайдасиз, қизларим, яинроқ келинг  
Илк бор ака бўлиб... қўл чўзай сизга,  
...Ёнингизда турган шу бадбахт ота  
Кўрмасдан, билмасдан... сизни оламга  
Келтириб қўйди-ку... ўз онасидан...  
Отангиз – падаркуш, онангиз эса –  
Сизни ўз ўғлидан туққан қабоҳат.

Ўз қизларига ака бўлиб қул узатишга, онасидан фарзанд кўришга  
мажбур бўлган одам қисматининг дахшати ўқувчилар вужудини ларзага  
солади.

Софокл мазкур трагедия орқали одамларга насихат қилмайди, йўл  
кўрсатмайди. У асаридан ҳулоса чиқаришга ҳам ҳеч кимни ундамайди.  
Лекин бадиий ҳақиқатнинг дахшатли қудрати ўқувчини ўйга толдиради.  
Софокл ҳаётнинг мураккаблиги, инсон тақдирининг чигаллигини бутун  
шафқатсизлиги, гўзал ва жирканч тарафлари билан кўрсатиб берган. Ўзини  
дунёнинг хўжаси деб ҳисобловчи одам, аслида, ўз қисматига ҳам хўжайин  
бўлолмаслиги ҳаққоний акс эттирилган. «Шоҳ Эдип» фожиасининг  
моҳияти инсон умрининг, у эришган мартабаларнинг ўткинчи эканлиги,  
одам умри имтиҳон учун берилганини англатишда намоён бўлади. Бу асар

кишини ўзи, ўзгалар, одам, олам ҳақида ўйлашга ундайди. Эдипни қандай баҳолаш керак? Қандай одам ўзи? Фожа китобхонни таъсирлантириш, туйғуларини жунбушга келтириши ҳеч гап эмас.

Энди бевосита ўзбек драматургиясига ўтадиган бўлсак,даставвал мактаб дарсликларидан ўрин олган Беҳбудийнинг “Падаркуш”драмасига тўхталамиз.

Беҳбудий ўзининг бутун онгли ҳаётини халққа ва она Ватанга бағишлаган. Миллий қадриятларимизни тиклашга, истиқбол мафкурасини яратишга сидқидилдан хизмат қилган. Бироқ шунга қарамай бошқа кўпгина ватанпарвар, халқпарвар зиёлилар қатори, Беҳбудий ҳам камситилган. Унинг номи ва асарлари қора рўйхатга тиркалди. Беҳбудий шаънига нолайик гаплар айтилди. Бу дона инсонга асоссиз ҳолда миллатчи деган тамға босилди. Охир оқибатда Беҳбудий номи билан аталадиган бирорта ҳам шаҳар, туман, мактаб, кутубхона, кўча ва хиёбон қолмади.

Ҳайрият, 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу адолатсизлик ва ҳақсизликка тўлиқ барҳам берилди. Кечикиб бўлса-да, Беҳбудийнинг пок номи қайтадан тикланди. Унинг улуғ хизматлари ва асарлари яна муносиб баҳоланадиган бўлди. Жумладан, Беҳбудийнинг падаркуш номли драмаси қайта-қайта нашр этилди ҳамда мактаб дастурларидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Дарҳақиқат, Беҳбудийнинг ижод соҳасидаги энг катта хизматлари шундаки, у ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, миллий драма жанрига асос солди. Падаркуш номли уч пардали, тўрт манзарали драма ана шундан далолат беради.

Бу сахна асарининг юзага келиши адабиётимиз ва санъатимиз тарихида ўша вақтда катта воқеа бўлди.

Зотан, ўзбек миллий драматургияси ва миллий театри Бехбудийнинг «Падаркуш» номли биринчи ўзбек сахна асари билан бошланди. Маърифатпарвар адиб, аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудий жади́дчилик ҳаракатининг ҳамда XX аср ўзбек адабиётининг бошловчиларидан бири ҳисобланади. У 1875 йили Самарқанд шаҳрида руҳоний оиласида дунёга келди. Унинг отаси ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутахассис бўлиб, бу борада кўплаб китоб ва рисоалар муаллифи эдики, бу ўз навбатида Маҳмудхўжага таъсирини ўтказмай иложи йўқ эди. У дастлабки маълумотни эски мактаб, мадрасаларда олди.

1902 йилда Маккага бориб у ҳожи ва муфти бўлиб қайтади ҳамда 1903-1904 йилларда Қозон, Уфа шаҳарларида бўлиб, Европа маданияти билан танишади. Бехбудий жади́дчилик ҳаракатининг асосчиси И.Гаспринский билан суҳбатлар қуради ва мактаб-маориф, маданият-маърифатпарварлик ғоялари тарғиботи акс этиб турган бир қатор мақолалари билан рўзнома, ойномаларда чиқа бошлайди. Хуллас, 1905 йиллар арафасида Бехбудий замонасининг кўзга кўринган зиёлиси бўлиб танилади. “Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатидан ўша замонда Туркистондаги жади́длар орасидан унга тенг кела оладигани бўлмаса керак”, - деб ёзади Файзулла Хўжаев у ҳақда. Бехбудий Гаспринский йўлга қўйган “усули жади́д” мактабларини Туркистонда қарор топтиришда, уларни дарслик ва қўлланмалар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди. Унинг “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”), “Китобатул-атфол” (“Болалар китоби”), “Тарихи мухтасари Ислом” (“Исломнинг қисқача тарихи”), “Амалиёти ислом”,

“Мухтасари жуғрофияи русий” (“Россиянинг қисқача географияси”) каби дарсликлари шу жонбозлик натижасидир. Махмудхўжа Бехбудий адабиёт, тарих, география фанлари қатори сиёсатшунослик билан ҳам жиддий шуғулланади. У ўзининг сиёсий қарашларини, миллат (унинг) тили, дини, эътиқодининг камситилганлигини кўриб “Эй миллат, мана аҳволингга бир разм сол, қандай яшамоқдасан!” деган хитоб-хайқириқларни “Фарёди Туркистон” (1907, “Вақт”), “Икки эмас тўрт тил лозим” (“Ойина”, 1913), “Тил масаласи” (“Ойина”, 1915), “Танқид сараламоқдур!”, “Театр надур?” каби мақолаларида ифодалайди. Шу билан бир қаторда у 1913 йилда “Самарқанд” газетаси ва “Ойина” журналларини чиқаришга бошқош бўлиб, бу соҳада ҳам ўз жонбозлигини кўрсатди.

“Икки эмас тўрт тил лозим” деган мақоласида у шундай ёзади: “Биз туркистонлиларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбакийни билмоқни сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбакий суйлашур, форсий бўлса, мадрасаву-удабо тилидир. Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар араби таълим берилса, мударрисларнинг таркиру таржималари форсчадур. Айни пайтда яна бир тил – русчани ҳам билиш керак. Чунки бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хизмат русча илмсиз бўлмайдур!”

Бадий ижодда ҳам Бехбудий ўткир муаммоларни кўтарди. 1911 йили ёзилиб, 1913 йилда босилган “Падаркуш” драмаси Бехбудийга жуда катта шуҳрат келтирди. Бу – биринчи ўзбек пьесаси драма жанрига асос солди, деган сатрларни ҳам учратамиз адабиётларда. Ҳар ҳолда Бехбудий карвонбоши бўлиб тарихга кирди, гарчи “Маҳрамлар” номли ўзбек драмаси бир неча йил олдин эълон қилинган бўлса-да, асар 1914 йилнинг

15 январида Самарқанд ҳаваскорлари томонидан сахнага қўйилди. 27 февралда эса, Тошкентдаги машҳур “Колизей”да “Турон” труппаси ўз фаолиятини шу спектакль билан бошлади. Асар жамоатчиликка, айниқса, адабиётга кириб келаётган ёшларга каттиқ таъсир кўрсатди. “1913 йилларда чиққан “Падаркуш” пьесаси таъсирида “Бахтсиз куёв” деган театр китобини ёзиб юборганимни ҳам пайкамай қолдим”, - деб қайд этади А.Қодирий ўз таржимаи ҳолида. “Ойина” журналининг 1914 йил 14-сонида босилган “Туркистонда биринчи миллий театр” номли тақриз ҳам шу “Падаркуш” пьесасининг сахнага қўйилиши муносабати ва унинг инсонлар онгига, халққа таъсири Тўғрисидаги тақриздир. Б.А.Пестовский 1922 йилдаги “Инқилоб” журнали саҳифаларида эълон қилган “Ўзбек театри тарихи” мақоласида унинг майдонга келиш тарихи ҳақида фикр юритар экан, “Ўзбек театрининг асосини қўйиб берувчи самарқандлик Маҳмудхўжа Бехбудийдир!” – деб ёзади. Бу драмасида Бехбудий ўзининг: “Маърифатсиз миллат инқирозга маҳкумдир”, - деган қарашини бадиий ифодалашга уринган эди.

Маълумки, мумтоз адабиётимиз кўп асрлик бой тарихга эга бўлсада, унда ҳозирги маънодаги реалистик драматургия йўқ эди. Зотан, ўзбек адабиётида миллий драматургия XX асрнинг биринчи чорагида вужудга кела бошлади. 1911 йилдан то 1917 йилгача бўлган даврда «Падаркуш» (Бехбудий), «Заҳарли ҳаёт», «Илм ҳидояти» (Хамза), «Қози ила мулла», «Кўкнори», «Жувонбозлик қурбони» (Хожи Муин), "Маҳрамлар" (А.Самадов), "Адвокатлик осонми?" (А.Авлоний), "Тўй" (Нусратилла Қудратилла), «Жувонмарг», «Ўғай она», «Бойвачча», «Саодат» битди», «Хуш келдинг,

хуш кетдинг» (А.Бадрий) каби 20 га яқин сахна асарлари юзага келди.

Бу пьесалар турли ғоявий нуқтаи назардан ва турли бадий савияда ёзилган. Шунга қарамай, бу сахна асарларининг юзага келиши адабиётимизда ижобий воқеа бўлди.

Шуниси муҳимки, бу асарларнинг кўпида маърифатпарварлик, халқпарварлик, одоб-ахлоқ масалалари акс эттирилиган. Бу сахна асарлари орасида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" (ёки "Ўқимаган боланинг ҳоли") драмаси алоҳида ажралиб туради. "Падаркуш" асарини ёзиш билан Беҳбудий адабиётимизда ўзига хос янгилик яратди. Бинобарин, ўз даврида новаторлик ҳисобланган бу драма XX аср ўзбек адабиётида алоҳида ўрин тутади.

Аввало шуни айтиш керакки, 1911 йилда яратилган "Падаркуш" драмасида инқилобий ғоялар эмас, аксинча, беозор маърифатпарварлик ва одоб-ахлоқ қойдалари илгари сурилган. Пьесада **чоризм мустамлакачилик сиёсатини фош этувчи** ва қораловчи фикр —мулоҳазалар йўқ. Бироқ, шунга қарамай, чор мустамлакачилари узоқ вақт давомида "Падаркуш" асарини сахналаштиришга ёки нашр этишга рухсат бермай, драматургни сарсон-саргардон қилдилар. Рухсат икки йил ўтгач, 1913 йилга келиб берилди. Шу фактнинг ўзи ҳам мустамлакачиларни маҳаллий-**ерли** халқни маърифатдан, илм-фандан узоқда тутишга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилганликларини кўрсатади.

Мустамлакачиларнинг қаршилигига қарамай "Падаркуш" 1913 йилда ўзбек ва тожик тилида чоп этилди. Кўп ўтмай Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Андижон, Наманган, Қарши, Қўқон, Каттақўрғон шаҳар театрларида сахналаштирилди. Ҳамма жойда томошабинлар пьесани олқишлар билан кутиб олдилар. Бунинг иккита асосий сабаби бор. Биринчидан, ўша вақтларда ўлкамизда театр санъати янгилик эди. Халқ эса бундай янгиликка ғоят ўч ва муҳтож эди. Иккинчидан, асарда ўша давр ҳаёти учун типик воқеа кўрсатилиб, кўпчилики қизиқтирадиган эзгу ғоялар, ибратли фикрлар акс эттирилган эди.

"Падаркуш" драмасида бой (50 ёшда), бойнинг ўғли Тошмурод (15-17 ёшларда), домудла (янги фикрли мулла, 30-40 ёшларда), зиёли (мусулмон), бойнинг қотили Тангрикул, армони майхоначи (Артун) ва бошқа образлар иштирок этади.

"Падаркуш" пьесасининг қисқача сюжети қуйидагича: Тошмуроднинг отаси ниҳоятда бадавлат шахс. Лекин бу бой илм-маърифатнинг аҳамиятини тушунмайди ва тушунишни ҳам истамайди. Ақлли-илмли кишиларнинг "ўғлингизни ўқитинг" деган сўзларига қулоқ солмайди. Чунончи, бу нодон бой домланинг «сабаб недурки, ўқитмайсиз? Ваҳоланки, ўқимоқ қарз ва илм сабаби иззати дунё ва шарафоти охирадир», деган беғараз сўроғига ғазабланиб тубандагича жавоб беради:

"Ай домулла сиз менга таҳқиқчими? Ўғил меники, давлат меники, сизга нима? Ўқиганнинг бири сиз, емоққа нонингиз йўқ; бу ҳолингиз ила менга насихат қилурсиз<sup>1</sup>"

Воқеа бой билан унинг ўғли Тошмурод ота-бола ўртасидаги оддий бир мулоқотга бошланади. Томошабин бу манзарага биричи дуч келишида оиладаги табиий бир ҳолат сифатида рўй бериши мумкин бўлган майда –чуйда гаплар деб енгил-елпи гап тарзида кўринган мазкур мулоқот тагида жуда катта фожиалар етганлигини дарров пайқаб олиш қийин.

Бой домулла билан меҳмонхонада ўтирганда Тошмурод даб-дурустдан кириб салом йўқ, алик йўқ «Томошага бораман, пул Беринг!» деб мурожаат қилади. Бой ўғлига пул бериб, барвақтроқ келишини тайинлайди, кимлар билан бораётганлигини сўраб, «ёмон жойларга» бормаслигини ҳам таъкидлаб қўяди. Тошмурод пулни олаётиб, отасига танбех беради – «Хайр, хайр, ҳов, кўп гапирасизда!» деб чиқиб кетади. Бу муомаладан домулланинг таъби хиралашади. Ота-бола ўртасидаги бундай муомала ҳар иккисида ҳам маърифатсизликдан, жоҳилликдан келиб чиққан деб билади. Домулла ниҳоят, бойдан ўғли қайси мактабда ўқишини сўрайди. Шу биргина саволга олинган жавоб Туркистондаги савдо-сотик билан шуғулланаётган табақа вакиллариининг ҳаётида рўй браётган аҳвол руҳиятини очиб кўрсатади. Домулла Тошмуроддай бойваччанинг бу қадар беодоб, беандиша қилиб ўқитаётган таълим-тарбия масканини

---

<sup>1</sup> Бехбудий «Падаркуш» драмаси, Шарқ юлдузи журнали, 1989 йил. 7-сон, 151

билмоқчи эди. Афсуски, аҳвол домумла ўйлагандан ҳам баттарроқ бўлиб чиқди. Тошмурод каттагина йигит бўлиб қолган, биронта мактабда ўқимойди, отаси ўқитмоқчи ҳам эмас экан. Боланинг отаси бой савдогарчилик қилади, аммо саводсиз. Узоқни кўриш етти ухлаб тушига ҳам кирмайди. Ҳозирча оз-моз пул топиб кунини кўриб турибди; эртага нима бўлишини билмайди, ўйлашга ақли ҳам етмайди. Илмсиз, билимсиз жоҳил бой ўғлидан ҳам баттар дағал, кўпол, маданиятсиз, маънавияти пуч кимса. Замонада кун тартибига чиқаётган муаммолардан биронтаси билан иши йўқ, пайқолмайди, Дунё миқёсидаги воқеалардан эса, батамом маҳрум бир гумроқ. Ўзининг аҳволи шу бўлгандан кейин бой бола тарбиясига, замон талабларига жавоб беришни қаёқдан билар?! Мана, янги фикрли домумлани ташвишга солган, ўйга толдирган, қалбини ўртаб, кўзларидан алам ёшини оқизган фикр-мулоҳазалар шулар эди. Бундай кетишда Туркистон бойлари-ю, оддий фуқароларининг мустамлакачиларга оёқости бўлиб, ҳатто миллат сифатида йўқолиб кетиши хавфидан ташвишга ботаётган жаидчилик зиёлилари бой ва унинг оиласи тақдирига бефарқ қарай олмасдилар. Домумла мазкур аянчли аҳволга ўз муносабатларини билдиради, Бехбудийнинг асл мақсадларини ифода этади. Илқор зиёлиларнинг фикрича, Туркистон бойлари-ю барча табақа фуқаролари аввало, ўзлари илм-маърифатга эга бўлишлари, маданият ва тараққиётга ҳурмат билан қарашлари, ниҳоят ўзларидан кейин эса, болалари уларнинг ишларини, савдо-тижорат

фаолиятларини давом эттиришгина эмас, унинг замона талабларига жавоб берадиган даражада янада юқори поғоналарга кўтаришга қодир бўлишлари керак. Ҳар бир ишни тараққий эттириш ҳақида ўйлашлари ва шунга эришишлари лозим. Шундай шахс бўлиб етишмоқнинг бош омили-илм, таълим, дунё кўриш, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ўрнак олиш ва улар билан тенглашишга интилиш, рақобатларга дош бериш...

Кўпдан маълумки, аксари бой оилаларда туғилган болалар эрка, тантиқ, бирон ўқишга. Ишга, ҳунарга тоқати йўқ, ёнлари тўла пул, оталарининг пулини совуриб, **айш-ишрат** қилиб юришади. Оилада ҳамма тўқ, егани олдида, емагани кетида, яхши кийинади, ресторанларда ичиб кайфини суради. Ота пул топади, она пишириб-куйдириб туради, боланинг ҳеч қандай эҳтиёжи йўқ... Аммо боланинг қаерларда. қандай юргани таълим-тарбияси билан ҳеч ким шуғулланмайди. Бундай оила болалари ва бутун оила оқибат натижада ҳалокатга учраши Беҳбудий ва бутун жаҳидларни изтиробга солади. «Падаркуш» да бу масалалар жуда кескин қўйилади. Тошмурод ўз ота-онаси айблари билан отасини ўлдиришгача боради. Бунга отасининг ўзи айбдор эди. У пул топишдан ўзга бирон нарсани ўйлашга қодир эмас, қодир бўлишни ҳам истамасди. Ана шу табиати ўз бошини еди. Мана бойнинг табиати «...Мени саводим йўқ бовужуд шу шахримизнинг катта бойларидандурман»<sup>1</sup>. Бой ўзини яна жуда билимдон ҳисоблаб, «Ҳар ишни билурман » деб қўяди.

---

<sup>1</sup> «Шарқ Юлдузи» 1989 йил 7-сон 151-бет

Ўжар, жоҳил бой чала-чулпа савдогарчилик билан бундан буён кун кўриш қийинлигини, у замонлар ўтиб кетгани ҳақидаги гапларга кулоқ солишни ҳам истамайди. Одоб, андиша деган нарса бойнинг ўзида йўқ. Боласида қаёқдан бўлсин деган мазмун бўртиб туради. Домулла ва зиёли айни замонда рўй бераётган янгиликлар, жаҳон миқёсидаги аҳволлар, ўзгаришлар, Фан-техника тараққиёти, янги пайдо бўлаётган саноат корхоналари талай муаммолар тўғрисида ҳар қанча жон куйдириб гапирганлари билан бойга заррача таъсир этмайди. Бой билимсиз, маърифатсизлиги туфайли жоҳил, онгсиз бўлганидан зиёлилар табақасини ҳурматлашни ҳам билмайди. Зиёлилар аслида худди шу бой ва унинг оиласи бола-чақалари, ери-мулки, бойлигини сақлаб қолиш ҳақида, мустамлакачиларга ем бўлиб кетишдан қутқариб қолиш ҳақида ғамхўрлик қилаётганларини бой асло тушунмас, тушунишни ҳам истамасди. Чунки у жоҳил, қолоқ одам. Модомики, ўзи шу қадар тарбиясиз бўлган ота-оналар болаларини тарбия қилишни қаёқдан биларди?! Аслида барча болаларга тарбия беришда биринчи маъсулят ота-оналар зиммасига тушажагига асосий урғу берадики, бу муаммони ҳозир ҳам ҳудди шундай деб ҳисоблаш мумкин.

Беҳбудий таълим-тарбиянинг ёшлар ўртасида бузилиб кетишига оилалар сабаб бўлаётганини томашабин қалбига чуқурроқ сингдириш учун Туркистон бойларидан бирини танлаб, унинг ўзига хос хусусиятларини- бой деб номланган персонажга жамлаб кўрсатади. Унга «Бой» деб от қўйиш ҳам ўйлаб топилган. Беҳбудий аслида Туркистоннинг барча

аҳолисини бой-бадавлат қилиш йўлларини ўйлайди. Оммавий равишда фаровонликка эришмоқ учун эса, кишиларнинг маънавий дунёқарашини оммавий равишда кўтариш керак, зеро шундагина моддий бойликни ҳам кўтариш имконияти туғилади. Беҳбудий танқид қилиб кўрсатган бойлар, уларнинг оилаларидаги аҳвол ҳозир ҳам рўй бераётган айрим «ясама бой ва бойваччалар қиёфасини эслатиб турмайдими? Эслатади». «Падаркуш» даги бойнинг дунёқараши -қиёфасига жуда мос тушади. Мана унинг ҳаёлига келадиган фикр-мулоҳазалар: «Мени ҳаёлимга дунёнинг сабаби иззати-бойлик. Охиратга бўла, худонинг қилган тақдири бўлади. Чунончи, биз кўрамизки, одамлар бойни муллодан зиёда қилурлар. Хусасан, мана банклар кўпайди. Катта бойлар член бўлиб, ҳар ким членларни иззат қилур ҳатто мусулмонлар нари турсин. Ўрис ва арманиларда иззат қулур».<sup>1</sup>

Бой зиёли Домулланинг бола тарбияси, уни ўқитиш ҳақидаги сўзларига эътибор бериш уёқда турсин, гапини бўлиб, ҳатто ўзини ҳақорат қилиб чиқариб юборади. Бой давлатига маҳлиё, бўлиб, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, жамият тузум, фуқаролар тақдири, ватан-миллатнинг келажаги деган тушунчалардан батамом маҳрум бўлиб қолган. На ўз фойдаси, на оиласи келажаги ҳақидаги гапларнинг маъносини англайди. Томошабин бойнинг гап-сўзлари-ю ҳатти-ҳаракатидан нафратланади. Изтироб чекади. Бой зиёлиларнинг Бирон фаолиятини ёқтирмайди.

---

<sup>1</sup> «Шарқ Юлдузи» 1989 йил 7-сон 151-бет

Домулла бойнинг олдидан ниҳоятда ранжиб чиқиб кетаётганда ёшлар тарбиясига оид фикр мулоҳазаларни шундай ифодалайди: «Ўқимоқ ва мулло бўлмоқ учун пул керак, бадавлатларимизни ҳоли бул, бас, бу кетиш да **мавзамбиллоҳ** дунё ва охиратга расво бўлурмиз, ўқимоқ барча мусулмонга, эркак ва хотун бўлсин фарз эди. У қайда қолди?! Оҳ вой бизни ҳолимизга... Бой мен сизга амри маъруф этдим ва менга шариат бўйича лозим бўлган ишни бўйнимдан соқит қилдим. Иншоолоҳ, мўйлаб чиқариб алифни таёқ демайтурсон ўғлингиз ҳолини кўрармиз ва ҳам ўқитмаганингиз учун гуноҳкор бўлурсиз!...»

Бехбудий бор кучи- қобилияти билан бутун Туркистон аҳолисини ғафлатдан уйғотишга интилгани бу асарда айниқса жўш уриб туради. Унинг бошқа барча асарлари-ю, фаолиятида ҳам етакчи фикр бўлиб қолади. Зотан, миллатни қарамликдан, ҳалокатдан қутқариш учун йўл ахтаради-ягона йўл тараққий этиш, ҳар томонлама ривожланиш деб биларди. Бой сингари катталарда кўринган нуқсонлар- уларнинг болаларига ҳам ўтиши табиий ва бу иш Бехбудий ва бутун жаҳидларни ташвишга соларди. Бу жиҳатдан асардаги зиёли образи ҳам эътиборни тортади. Персонажга –зиёли деб ном қўйилади. У Домуллага нисбатан ҳам илғорроқ мулоҳазаларни баён қилади. Зиёли оврупоча кийинган, таълим олган, унинг ташқи қиёфаси, гап-сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари янада янгича, замонавий руҳда. Зиёли домулланинг айтганларини тўлдиради, давом эттиради... Шариатда таъкидланган илм-маърифатга оид ақидаларни ҳам ҳозирги дунё миқёсида

ривожланиб бораётган Фан-техника, маданий-маънавий тараққиёт ҳақидаги маълумотларни ҳам анчагина чуқурроқ баён қилишга интилади. Унинг гаплари ҳам бойга заррача таъсир этмайди. Пулдан бошқани кўзи кўрмайдиган. қулоғи эшитмайдиган бу гумроҳ -бой унга ҳам ҳурматсизлик қилади. Лекин зиёли ўз маданияти, одоби доирасида. Сабр-тоқат билан бойга гап уқтиришга ҳаракат қилади... «**Олимий** замона бўлмоқ учун, -дейди зиёли –болаларни аввола мусулмон хат ва саводини чиқариб, зарурати **диния** ва ўз миллатимиз тилини биладурғондан сўнгра ҳукуматимизни низомли мактабдарида бермоқ керакдур: яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқиб тамом қилғонларидан сўнг Петербург, Москва **дорилфунунлариға** юбориб, докторлик, закончилик, судьялик, илми саноат илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдир. Россия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмоқ керакдир ва давлат мансабларини кирмоқ лозим. Токи **маишат** эҳтиёжи замонимиз тўғрисида ватан ва миллати исломга хизмат қилинса ва подшпоҳлик мансабларига наф кириб мусулмонларға наф етқурилса ва ҳам давлати Россияга шерик бўлинса, ҳаттоки шу тариқа ўқиган мусулмон болаларини Фарангистон, Амриқо ва Истамбул дорилфунунларига тарбия учун юбормоқ керакдир...» аждодларимиз қириб ташланган. Биз бу изоҳни шунинг учун беряпмизки, ҳар бир миллат ва халқ орасида яхши одат ва яхши одамлар билан бирга ёмон одат ва ёмон одамлар ҳам бўлади. Бирор ёмон ёки ҳарамхўрни танқид қилиш ўша киши мансаб бўлган бутун бир халқ ва миллатни қоралаш деган

эмас, жадинчилик ҳаракатининг етакчилари, айниқса, Бехбудий, Исмоилбек, Фитрат, Абдулла Қодрий ва бошқалар бу ҳолатни чуқур идрок этганлар «Падаркуш» да Бехбудий ўзбек бойларини қандай танқид қилган бўлса, армони миллатига мансуб –Артун образида майхона- пивохоналарни кўплаб очиб пул топиш учун ичкиликбозликни тарқатаётган, Лиза образида бузуқ рус аёллари маҳаллий миллатга фоҳишаликни кўпайтираётган салбий кишиларни қаттиқ фош этади. Мазкур икки товламачи ёшларни маишатга тортиб, бор-йўқларини шилиб олишади... Маишат, ичкиликбозликка пул топиш учун Тошмурод безори ўртоқлари билан отасини ўлдириб, бойлигини талан-тараж қилади. Ҳамма ўғирлик мол ва пулларини пивохонада, Лиза ва Артунларга сарфлайди... Артун Лизани ёшларга қўшиб пул ишлайди, кўплаб маҳаллий аҳоли йигитлари Артун ва Лизага эргашиб жиноятга қўл уради. Мусулмон болаларининг бу хилда йўлдан чиқиб, тарбияси бузилиб кетаётганини Бехбудий ҳам ота-оналарга, ҳам мустамлакачилар алоқадар қилиб кўрсатади, муаллиф бундай фожиаларга бефарқ қарай олмас, қаттиқ изтироб чекарди... Бехбудий мазкур манзарани жонлантириб кўрсатади: бир тўда ёшлар бойнинг ўғли Тошмурод, ўртоқлари Тангриқул, Давлат, Нор пивохонада ичкиликбозлик қилиб ўтиришади, кайфлари тароқ. Қадаҳ кўтариб, оғизларига нима келса шуни гапиришади. Маст-аласт ҳолда ҳеч кимдан тап тортмай кўнгилларига келган бемаъни, бепарда гапларни бемалол айтаверишади. Шу вақт ҳаммасининг ёдига Лиза тушиб қолади. "Оҳ, Лизахон

қайдасан?!" деб бақиривади. Тошмуродни мақташиб унинг саломатлиги учун кетма-кет ичишади. Унга ясама муомала қилиб, "Бойвачча, бойвачча" деб Тошмуродни баттар гердайтириб бўлишича, бу бўз болалалар Лизахон билан илгари ҳам учрашишган, уни яхши йўқлаб туришади. Буни доим Артун ташкил қилади. Артун болаларга кўпроқ ичириб туриб, йўқлашлари билан Лизахонни дуч келтиради, қўшмачилик қилади. Ёшлар тарбияси бузулаётгани на Артун ва на Лизани заррача қизиқтирмайди. Уларга пул келиб турса бўлди. Кайф ошгач, йигитлар Артунни чақириб Лизани келтиришни сўрашади. Артун катта пул талаб қилади. Бўлмаса Лизани келмаслигини айтади. Йигитлар ҳаммалари ёнларини қовлаб бор пулларини тўплаб кўришса, Артун ва Лиза талаб қилган миқдорга етмайди. Бу вазиятдан чиқиш учун ўғирлик қилишга қарор беришади. Безори ичкиликбоз Нор, Давлат, Тангриқуллар маслаҳатлашиб, Бойнинг ўғли Тошмуродни ишга солишади. Унинг отаси бойлигини ҳамма яхши билади.

Бойнинг пулини ўғирлашда Тошмурод бошчилик қилишини уқдиришади. Ниҳоят кечаси Тошмурод ўз уйига ўртоқларини бошлаб бориб, отасининг бойлигини босиб олишади. Тангриқул бойга пичоқ уриб ўлдиради. Тошмурод ўртоқлари билан яна ҳалили пивохомага бориб ҳеч нарса кўрмагандай маишат қилишаверади. Энди Лиза ҳам келган, унга, Артунга айтган пулларини бериб яна ичкиликбозликни давом эттиришади... Шу вазиятда уларнинг қилмишлари

ошкор бўлиб, полициячилар йигитларини қўлга олади, Лиза қочади, Артун пул ишлайверади...

Асарда Беҳбудий чор Россияси Туркистонга нималар олиб келганлиги ва ичкиликбозлик, фоҳшабозлик маҳаллий аҳволи ўртасида қандай фожиаларга олиб келаётганини кўрсатишга алоҳида аҳамият беради. Томоша охирида зиёли нималар деганига яна бир аҳамият берайлик: "Агарда **булар**" ичкилик ичмасалар эди, дунё ва охиратда алабад азоб ва меҳнатда қолмас эди. Оҳ, ҳақиқатда бойни ўлдирган ва бу йигитларни азоби абадийга гирифтор қилган беилмлиқдур..."

Беҳбудий жамият тараққиёти йўлида қандай муаммоларни кўтариб чиқмасин, ҳаммасида туб асос қилиб оила (ота-она) билан мактаб ўртасида яхши алоқаларни йўлга қўйиш ёшлар таълим- тарбиясининг негизи деб билади. Бусиз бола тарбиясини кўнгилдагидек ривожлантириб бўлмасди. Мазкур муаммо ҳамон кун тартибида турган энг долзарб масала эканлиги билан ҳам ўз қимматини сақлаб қолади. Истиклолимизни мустаҳкамлаш борасидаги курашларда бу масалани ҳамиша диққат марказда сақлаш лозим. Ёшларимизни буюк аجدодларимиздан қолган маънавий меърос, энг илғор миллий анъаналаримиз заминида, миллий ва усуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш бундан кейин ҳам биринчи даражали масалалардан бўлиб қолади, уни ҳал этишда Беҳбудий ва унинг сафдошлари маънавий меъроси бизга кўмак беради.

Кўринадикки, "Падаркуш" драмасида ҳаётий воқеа ва зиддиятлар кўрсатилиб, нодонлик ва жаҳолат қораланган.

Илмсизлик ва маишатбозлик, ахлоқсизлик танқид қилинган. Илм-маърифатни эгаллаш ғояси тарғиб-ташвиқ этилган. Бу асарнинг бадиий-эстетик аҳамияти ана шунда.

Шуни алаҳида таъкидлаш лозимки, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Падаркуш" асари ўз навбатида ўзбек драматургиясининг шаклланишига, хусусан, унда маърифатпарварлик анъаналарининг қарор топишига самарали таъсир этди. Натижада, Ҳамза Ҳакимизода, Абдулла Қодрий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Авланий, А. Бадрий, Хожи Муин Шукрулло, Тавалло каби ёзувчиларнинг маърифатлари руҳида ёзилган асарлари бирин-кетин юзага кела бошлади.

Битта факт. Бехбудийнинг "Падаркуш" драмасида илмнинг аҳамиятини тан олмаган нодон бой ота фожиаси кўрсатилган ва бойликка эга бўлиши учун ўз отасини ўлдирган бола образи яратилган бўлса, Ҳамзанинг "Янги саодат" асарида ўқиб, илм олиб отаси Абдуқаҳҳор бойваччани ҳалокатдан қутқарган бола образи (Олимжон) тасвирланган.

Ҳамза асарида кўрсатилишича, Абдуқаҳҳор бойвачча отасидан қолган катта бойликни қиморга ютқазиб, хонавайрон бўлади. Натижада у оиласини боқа олмай, уларни ташлаб, қочиб кетади. Хотини Марям эса ўғли Олимжонни ўқитади. Олимжон халқпарвар зиёли бўлиб етишади ҳамда Тошкентда оч-ялонғоч дайдиб юрган отаси Абдуқаҳҳор бойваччани излаб топади, уйга (Қўқонга) олиб кетади. Демак, илм шарафоти билан оила қайта тикланади.

"Падаркуш" таъсирида яратилган бундай асарларни яна келтириш мумкин. Умуман олганда, Бехбудийнинг "Падаркуш" драмаси кўп ҳолларда ёш ёзувчиларга сахна асарлари яратишда ўрнатилган ва туртки бўлиб хизмат қилади.

Буюк адиб Абдулла Қаҳҳор ўзининг "Таржимаи ҳолида" "1913 йилларда чиққан "Падаркуш" пьесаси таъсирида "Бахтсиз куёв" деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим", деб қайд этади. Таниқли жаҳид ёзувчиси Ҳожи Муин Шукрулло "1914 йилда "Падаркуш" спектаклини кўриб ундан жуда қаттиқ таъсирланган. Ҳожи Муин "Шундан кейин мен шоирликни бир четга йиғиштириб қўйиб, сахна адабиёти яратиш фикрига тушдим"<sup>1</sup> -деб ёзади.

Бу ёзувчининг «Тўй», «Кўкнори», «Мазлума хотин», «Эски мактаб-янги мактаб» каби сахна асарларида Бехбудий таъсири сезилади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Бехбудий ўзбек драматургиясини бошлаб бериш билан бирга ўзбек театрунослигига ҳам асос солган. Бехбудий мамлакатимизда биринчилардан бўлиб театрнинг халқимиз маънавий-маданий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаши, Туркистонда миллий театр яратиш учун жонкуярлик қилган. «Театр надир», «Самарқандда театр», «Туркистонда биринчи театр», «Ўйнайтурсан одам йўқдир», «Падаркуш», «важҳидан», «Театр мусиқий, шеърӣ» сингари мақолалар ёзиб театр санъатини изчил тарғиб-ташвиқ қилган. Бу санъатнинг ўзига хос

---

<sup>1</sup> "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 1999 й 17-декабрь

хусусиятлари ва афзалликлари ҳақида юртимизда биринчилардан бўлиб қимматли фикрларни баён этган. Бу соҳада қатор назарий ва амалий ишларни бажаради.

Авлонийнинг «Турон» группаси ўз фаолиятини Бехбудийнинг «Падаркуш»и билан бошланган эди. Спектакль олдидан машҳур Мунавварқори театрнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни ҳақида нутқ сўзлайди. Бой ролини Абдулла Авлонийнинг ўзи ижро этган. Маҳаллий матбуот бу кунни «Тарихий кун» деб ёзади.

«Турон» турупаси 1914-16 йилларда бу спектакль билан бутун Фарғона водийсини айланиб чиққан. «Падаркуш» Туркистонни жунбишга келтирган қирғинбарот инқилиб йилларида ҳам сахнадан тўшмади. Бир томондан, миллатни маърифат ва тараққиёт сари ундашда буюк роль ўйнаган ўзбек театри ва драмачилигининг майдонга келиши ҳамда тараққиётида муҳим хизмат қилди.

## II БОБ

### МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ДРАМАТУРГИЯСИ

Янги замон ғояларини ва мустақиллик даври ҳаёти муаммоларини ёритишда санъаткорларимиз драматургия имкониятларидан ҳам самарали фойдаланишга интилоқдалар. Шунунг учун ҳам бу даврда ёзилган сахна асарларининг аксариятида жамиятни қайта қуриш ва мустақиллик билан боғлиқ бўлган муҳим мавзулар акс эттирилади. Шу билан бирга, халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмишини истиқлол мафкураси асосида талқин этувчи бир қанча драматик асарлар яратилди. Аввало, узоқ ва яқин ўтмиши ҳақида тўхталамиз.

Маълумки, мустақиллик туфайли Амир Темурга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Унинг буюк тарихий хизматлари ҳақли равишда юксак баҳоланди. Президентимиз Ислам Каримов «бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди»,<sup>1</sup> деб Амир Темур шахсига юқори баҳо берди.

Натижада совет даврида бутунлай ман-қатағон этилган бу илмий мавзу мустақиллик даврида адабиётимиздан ўзининг муносиб ўрнини топди. Ёзувчиларимиз бу мавзунини катта ғурур ва ифтихор билан қаламга олиб, Амир Темурни ўзбек халқининг миллий қаҳрамони, жаҳоншумул аҳамиятга молик буюк сиймо сифатида талқин ва тасвир эта

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 1996 й, 25 октябрь

бошладилар. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Тўра Мирза ва Асрор Самаднинг «Соҳибқирон Темур» каби асарлари шунинг даврининг маҳсуллари бўлиб, уларда Амир Темур образи ҳаёт ҳақиқатига мос ҳолда реалистик бўёқларда кўрсатилган.

А. Ориповнинг «Соҳибқирон» шеърий драмасида Амир Темурнинг ақл-заковати, ижтимоий-сиёсий фаолияти ўша даврининг мураккаб ҳаёти фонида очиқ берилган.

Тўра Мирзо ва Асрор Самаднинг «Соҳибқирон Темур» драмасида эса Амир Темурнинг буюклиги, донолиги ватанпарварлиги, адолатлилиги, шунингдек, соҳибқирон шахсиятидаги айрим зиддиятлар ва салбий хусусиятлар кўрсатилган. Бу драманинг муҳим бир хусусияти шундаки, асарда бош қаҳрамонни улуғлаш учун бошқа бир тарихий шахсларни атайлаб, бўлар-бўлмасга қоралаш ва камситиш усулидан фойдаланилган. Натижада асарда Амир Темур образи билан бирга, Султон Боязид сингари тарихий шахслар сиймоси ҳам ҳаёт ҳақиқатига мос, ишонарли бўлиб чиққан. Драмада мақсад аниқ конфликт ҳаётий, асосий характер (образ) лар жонли ва ҳаққоний бўлганидек, бадиий усуллар ҳам пухта. Аслида Амир Темур феъл-атворида, ақл-заковатига мос ва хос бўлган хикматли сўзлар, чуқур мазмунли диалог ва монологлар кўзга ташланиб туради:

Дунё топдим, лекин дунё йиғмадим,

Мен эл учун от устида ухладим.

(Амир Темур сўзидан).

Мустақиллик даврида юзага келган «Жалолиддин Мангуберди», «Аждодлар қиличи» (Э, Самандар), «Қора камар»

(Ш. Холмурзаев), «Окпадар» (У. Азим), «Захриддин Мухаммад Бобур» (З. Муҳиддинов, М. Абдуллаев). «Пири Коинот» (Ҳ. Расул) каби драмаларда ҳам ўтмиш ҳаёт ва улуғ аجدодларимиз ҳақида реалистик сахна асарлар яратиш анъанаси давом эттирилди. Бу соҳадаги янгилик шу бўлдики, драматургларимиз узоқ ва яқин ўтмиш мавзуларини тасвирлашда социалистик реализм ва коммунистик партиявийлик исканжаларини парчалаб ташладилар. Ҳаётни истиқлол мафкураси асосида янгича талқин ва тасвир этдилар. Масалан, Шукур Холмурзаев «Қора Камар» драмасида «босмачилик» халққа қарши реакцион ҳаракат эмас, аксинча, ўзига хос миллий озодлик ҳаракатидир, деган ғояни сахнада образли тарзда усталик билан кўрсатиб берди.

Мустақиллик йилларида ўзбек драматургиясида пайдо бўлган сахна асарларининг аксариятида совет давридаги ҳаёт акс эттирилган.

«Унсиз фарёд» (Шукрулло), «Курорт» (Ў. Умарбеков), «Темур хотин», «Тақдир эшиги» (Ш. Бошбеков), «Бир миллион можараси» (Ҳ. Ғулом), «Номсиз Юлдузлар» (Машраб Бобоев), «Ойна» (У.Назаров), «Пуч», «Тусмол» (А. Иброҳимов), «Қатағон» (Ў. Ҳошимов), «Кундузсиз кечалар» (Усмон Азим), «Хотинлар хангомаси» (М.Хайдар), «Бир кам дунё» (Илҳом Ҳасанов) ва бошқа сахна асарларида қишлоқ хўжалиги, саноат, хусусан, маънавий ҳаётда мавжуд бўлган ва совет жамиятини инқирозга олиб келган жиддий нуқсонлар очиб ташланган.

Шу орқали тўғрилиқ, ҳалоллик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик тарғиб қилинган.

Ўлмас Умарбековнинг «Курорт» драмасида «Меҳнат аҳли» жамоа хўжалигининг 80-йиллардаги ҳаёти мисолида порахўрлик, кўзбўямачилиқ сингари иллатлар фoш этилган. Асарда кўрсатилишича, колхоз раиси Тўлан ҳамтовоқларидан пора олади ва бунинг эвазига уларнинг нопок ишларини оқлаб, жиноятларини яширади. Натижада ҳаромхўрлар Тўлан раисга суяниб, ҳеч нарсадан тап тортмай жиноят устига жиноят қилаверади.

Ҳа, драмадаги нопокларнинг суянчиғи бор. Бу суянчиқ порахўр Раис Тўландир. Ўз қарамоғидаги шахслардан пора оладиган Тўлан, айна чоғда, ўзидан катталарга пора беради. Демак, унинг ҳам ўз суянчиғи бор. Ана шу суянчиқларига таяниб Тўлан ўзини бемалол тутди, нопоклик қилаверади. Асарда ана шу суянчиқнинг «ўсиши», кейинчалик эса ичидан чириб емирилиши ва нураши асослаб берилган. Оқибатда Тўлан порахўр ва кўзбўямачи, маишатпараст ва амалпараст шахс сифатида яққол гавдаланган. Муаллиф Тўланнинг кирдикорларини фoш этиш жараёнида жамиятни қайта қуриш ва покланиш даври руҳини, ҳалол ишлаб, ҳалол яшаш ғоясини олға сурган.

Асарда асосий салбий тил Тўлан образи қанчалик усталиқ билан яратилган бўлса, ундаги бош ижобий қаҳрамон Қўзибой образи ҳам шунчалик маҳорат билан чизилган. Хўжалиқнинг бош ҳисобчиси Қўзибой Янги даврнинг моҳиятини тушинган ҳолда, софдил, ҳалол кишиларга таяниб

дадил ҳаракат қилади. Раиснинг нопок қилмишларини очиб ташлаб, жамоа мулкани кўз қорачиғидай асрайди. У тўғри ишлаб, рост сўзлайди.

Шундай қилиб, Қўзибой пьесада нопокликларни таг-томири билан емириб ташлаб, адолат ва ҳаққоният тантанасини таъминлаётган софдил, ҳалол замондошларимизнинг типик вакили сифатида гавдаланади.

Бу давр драматургияси тараққиётида Шароф Бошбековнинг «Темур хотин» комедияси салмоқли ўрин эгаллади. Комедияда ҳаёт ҳақиқатига айланган конфликт кучли мантиқ асосида маҳорат билан ёритилган.

Маълумки, адабиётимизда узоқ йиллар давомида (хусусан, турғунлик йилларида) пахтакорлар меҳнати, айниқса, пахтакор хотин-қизлар меҳнати жуда осон иш тарзида, дабдабали, байрамона кайфиятда тасвирланиб келинди. Шароф Бошбеков «Темир хотин» комедиясини яратиш билан драматургияда биринчи бўлиб ана шу соҳта тасаввурга қаттиқ зарба берди. Пахтакор аёл меҳнатининг қанчалик оғир, қанчалик машаққатли эканини очиб ташлади.

Асарда қишлоқ ҳаёти, ўзбек аёлларининг моддий-маънавий жиҳатдан оғир шароитда кун кўраётганликлари, оғир меҳнат остида эзилиб хўрланаётганликлари, «жони қирқта» бўлган ўзбек аёллари бардош берган машаққатли меҳнатга, ҳатто, темир ҳам бардош бера олмаслигини комедия жанри имкониятлари доирасида таъсирли ва қизиқарли қилиб кўрсатилган.

Комедиянинг «Темир хотин» деб аталишида чуқур рамзий маъно бор. «Темур хотин» мамлакатимизнинг кўплаб театрларида сахналаштирилди ва томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Комедия Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ўткир Ҳошимовнинг «Қатағон» асари икки пардали фожа. Унда бир оила мисолида 80-йилларнинг иккинчи яримида «пахта иши», «Ўзбек иши» баҳонасида Ўзбекистонда бўлиб ўтган даҳшатли қатоғоннинг асл маъноси- моҳияти очиб ташланган. Москвадан адолат ўрнатиш ниқоби остида элимизга бостириб келган ёвуз десантчи-терговчиларнинг ҳеч қандай қонун-қоидага ва ахлоқ-одоб мезонига тўғри келмайдиган жирканч ишлари, шафқатсизликлари, ҳуқуқбузарликлари, заҳматкаш ва ҳалол халқимиз номини ёмон отликқа чиқаришга уринишлари кескин фош этилган. Шу билан бирга, асар қаҳромони Панжи Жуманов оиласидаги ҳаёт мисолида ўзбек халқига хос меҳнатсеварлик, ҳалоллик, бағрикенглик, ҳақгўйлик, инсонпарварлик ва дўстлик умумлаштирилиб тасвирланган.

«Қатағон» да кўрсатилаган воқеа ҳам конфликт ҳам ўша мудҳиш, изтиробли кунларга хос ва типик. Марказдан келган терговчи Мясников совхоз директорини Панжи Жумановни пора олгансан, пора бергансан, кўзбўямачилик қилиб давлатни алдагансан деган сохта даъволар билан ҳисобга олади. Уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан ғоят қийнаб азоблайди. Ундан ақл бовар қилмайдиган «гуноҳларига» иқроф бўлишини ва пора беришини талаб

қилади. Мясников ўзининг ёвуз мақсадига эришиши мақсадида маҳаллий терговчи Бердиев билан биргаликда Панжи хонадонини илма-тешик қилиб тинтувдан ўтказади. Тухмату бўхтон, иғвою алдов йўли билан Панжанинг хотини- садоқатли аёл Ҳанифадан пул –бойлик ундирмоқчи бўлади.

Панжи қамоқхонадаги зулм ва адолатсизликдан руҳан қаттиқ эзилса –да, зўравон терговчиларга ялинмайди, иймон эътиқодини йўқотмайди. Бор гапни дангал айтиб, ҳақиқатни қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Панжи нопок терговчи Мясников тухматларини фош этиб, «Ёмоннинг кучи яполоққа етади.» Қўшиб ёзиш марказнинг ўзидан бошланди. Марказ эса ўзбекнинг ёқасига ёпишди. Тўғри қилди. Арманига ёпишса, юз минг киши кўчага чиқарди. «Арман халқидан қўлингни торт!?» дерди. Гуржига ёпишса, икки юз минг чиқарди. Ўзбек – андишали халқ. Уркалтак –суркалтакни ёмон кўради. Беҳуда қон тўкилишидан ҳазар қилади. Ўйланган... ҳаммаси ўйланган. Мурод –ўзбекнинг қонини тўкиб, бошқаларни қўрқитиш », -дейди.

Ёки Мясников ўзбек халқини «босмачи», «ёввойи», «саводсиз» дея ҳақоратлаганида Панжи Жуманов ғазабланади, жирканади. Панжи кучли мантиқ асосида вазминлик билан сўзлаб, рақибини эсанкиратиб қўяди: Босмачи деб бировнинг юртини босиб олганни айтади! қайси босмачи қайси юртни босиб олибди... саводсиз Улуғбек расадхона қурганда, сен қаёқда эдинг? Ибн Сина «Тиб қонунлари» ни ёзганда октябр революцияси тепасида ақл

ўргатиб турганмидинг? (истехзоли кулимсираб). Балки Беруний Ер диаметрини сенинг маслаҳатинг билан ўлчагандир? ... Сенлар ўйлайдиган одамдан кўрқасан!»

Шундай қилиб, Жуманов маънавий жиҳатдан жиноятчи терговчилардан устун туради. У факт ва мантиқ асосида ҳаракат қилиб воқеа давомида маънавий зафар қучади. Бунини драматург маҳорат билан таъсирли ва ишонарли қилиб кўрсатган. Натижада Жуманов асарда халқимизга хос ҳалоллик, ҳақгўйлик, камтарлик, болажонлик сингари хислатларни ўзида мужассамлаштирган жонли образ сифатида намоён бўлади.

«Қатағон» трагедиясида ёвуз терговчи Мясников образи ҳам маҳорат билан чизилган. Мясников пихини ёрган айёр, шафқатсиз, бераҳм. Дунёда бу ифвогар терговчи қилмаган пасткашлик ва ифлослик қолмаган. У ўз қора, ёвуз ниятига етмоқ йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ўз мансаби ва мавқеини суйистеъмол қилиб, алдов, хиёнат, тухмат –бўхтон, жисмоний ва маънавий жазо чораларини устма уст ишга солади. Аммо воқеа давомида Мясников «айбдор» Жумановнинг шиддат билан кескин раддияларига жавоб тополмай шошиб қолади ва уни ҳақорат қилишга ўтади: «Ўчир овозингни, эртагаёқ Бутиркага жўнатаман! Обкомингни олдига! Обкоминг ким бўпти! Республика раҳбарлариниям эмаклатаман! Ўзбекистондан йигирма тўрт минг жиноятчи қамоққа олинган. Йигирма тўрт минг нима бўпти? Керак бўлса, яна юз мингини қамоққа тикамиз! Милионини қириб ташлаймиз. Босмачилар! Эшаклар!» -деб бақиради.

Шуниси муҳимки, драматург асарда десантчи терговчиларни аёвсиз фош қилмасин, барибир, халқлар дўстлиги тамойилларига содиқ қолади. Халқлар дўстлиги тамойилларига амал қилиб, ҳақиқий дўстлик-биродорликни мадҳ этади. Шунга кўра ўзбеклар миллатчи эмас, аксинча, дўстга содиқ, виждонли, инсонпарвар халқ деган гоё асарда бўртиб туради.

Трагедияда халқимизнинг ашаддий душмани, миллатчи Мясников образига қарама-қарши ҳолда ўзбек хонадонида тарбияланиб, вояга етган, пок виждонли инсон Валентин Александрович образи яратилган. Валентин «уруш йиллари Ўзбекистонга олиб келинган икки юз минг етим боласининг бири». У Жумановлар оиласида (ўзбек оиласида) етимлик нима эканини билмай ўсган киши. Валентин Жумановлар оиласи бошига кулфат тушганда Мясников дағдағаларига қарши «Ленинград блокадасидан чиқиб келганимда сен онангни қорнидаям йўқ эдинг! Шу одамлар мени бағрига олди. Очликдан силам қуриб, ўлим тўшагида ётганимда шулар менинг жонимга оро кирди. Шулар менинг бошимни силади! Охирги бурда нонини шулар менинг оғзимга тутди. Энди шу халққа нонкўрлик қилайми номард! ...Эшитиб қўй! Бу дунёда битта укам деб юрибман. Панжи учун дунёнинг нариги бурчагигаям бораман! Ўлгунимча олишаман!» - дейди.

Ёки, Валентин Ҳанифанинг «қандоқ кунларига қолдиқ, акажон»! –деган ноласини эшитганда «Хафа бўлма келин! Мен сенларни бу итларга хўрлатиб қўймайман» -деб меҳрибонлик кўрсатади.

Валентин Александрович ўзбек халқининг илм-фан, маънавият, маданият соҳаларидаги ютуқларига ҳам тан беради. Асарда қўйидаги диолог берилган:

Мясников: «Нима биз ёрдам бермаймизми? Манави ёввойилар юртига илм-фанни, маданиятни ким олиб келди?»

Валентин: «Сен ўзингни улар билан тенгаштирма! Улар фан олиб келган бўлса, сен ўлим олиб келдинг! Қолаверса, сенга ўхшаганлар маданиятни булардан ўргансин!».

«Қатағон» фожиасида асосон еттита персонаж иштирок этади. Уларнинг ҳаммаси ҳам асарда ўз ўрни ва ўз юкига эга. Бош қаҳрамон Панжи Жуманов характерида ҳаромдан ҳазар қилиш, эл юрт ишига садоқат устун туради. У ўзининг «қип- қизил лўттибозлик! Бу ёқдан тола ўрнига вогонларда ҳаво, самалётларда пул бор экан, у ёқдагилар нега индамабди? Нега бизга пул керакмас, толанинг ўзини беринглар, демадими? » - тарзидаги ўткир сўзлари билан баттол терговчиларни боши берк кўчага ҳайдаб солади.

Худди шунингдек, Валентин образида рус ишчиларига хос мардлик, тантилик, дўстлик, инсонпарварлик; Ҳанифа образида эса ўзбек келинларига хос вафо, садоқат, ҳаё –ибо, қийинчиликларга бардош бериш ва болажонлик сифатида яққол намоён бўлади. Буларга қарама-қарши ҳолда берилган Мясников характерида манманлик, зўравонлик, шафқатсизлик, икки –юзламачилик сингари жирканч қилиқлар мужассам. Асарда маҳаллий терговчи Бердиев ва пахта қабул қилиш пункти мудири Омонов эпизодик образ сифатида берилган бўлса –да, улар ҳам ўзларига хос ва мос характер белгилари

билан ажралиб туради. Демак, Ўткир Ҳошимов «Қатағон» фожиасида хилма-хил характерлар яратишда маҳорат кўрсатган.

Асар сюжети ва композицияси ҳам пухта. Унда ортиқча эпизодлар ва кераксиз деталлар йўқ. Шунингдек, асарда конфликтнинг ўсиш даражаси ҳам меъёрида. Шу сабабли сюжет ва воқеа ривожидида сустлик сезилмайди.

«Қатағон» ширали ва образли тилда ёзилган. Асарда кучли мантиқ асосига қурилган семазмун ва чиройли жумлалар, янги-янги ўхшатиш, сифатлаш, муболаға сингари тасвирий воситалар кўзга яққол ташланади.

Мустақиллик даврида ўзбек драматургиясида кишиларимизнинг маънавий ҳаётини, маънавият масалаларини ёритишга катта эътибор берилди. Натижада адолат ва ҳаққоният, ҳалоллик ва тўғрилик дўстлик ва вафодорлик, адолат, меҳр-оқибат ва юксак ахлоқ-одобнинг фитна-фасод, фисқу-фужур, тўхмат, макр ва айёрлик устидан ғалабасини кўрсатувчи хилма-хил сахна асарлари вужудга келди. Шунингдек, мустамлакачилик даврида камситилган, ҳатто оёқ ости қилинган, эндиликда, мустақиллик даврида қайта тикланган, тегишли тарзда ўз кадр-қимматини топа бошлаган миллий урф-одатларимиз ихлос билан тасвирланди. Халқ ва мамлакат ҳаётидаги ибратли томонларни, илғор тамойилларни ёритиш билан бирга, турмушда учрайдиган манманлик, нопоклик, қаллоблик, текинхўрлик, ифвогарлик, маънавий қашшоқлик сингари иллатлар фош этилади.

Бу соҳадаги ютуқларни «Тўйдан кейин томоша» (Шукрулло), «Чимилдиқ» (Э. Хушвақтов), «Тақдир» (Р.Маъдиев), «Фаришта» (Х. Расул), «Суперқайнона» (С. Имомов), «Диёнатга хиёнат» (К. Аваз), «Қудуқ тубидаги фарёд» (Ф, Шермуҳаммад) ва бошқа асарлар мисолида очиқ кўриш мумкин.

Таниқли шоир ва драматург Шукруллонинг «Тўйдан кейин томоша» драмасини олайлик. Бу асар Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» драмасига ғоявий мазмун жиҳатдан яқин туради. Маълумки, «Бахтсиз куёв» да бойларга тақлид этиб ката тўй қилган ва натижада қарзга ботиб бахтсизликка учраган камбағал йигитнинг фожиаси ҳикоя қилинган эди. Шукрулло ўз асарида А. Қодирий анъаналарини Янги замон воқеалари асосида ижодий давом эттирди ва бу анъаналарни бойитди. «Тўйдан кейин томоша» драмасида баъзи ўзбек оилаларида никоҳ тўйи тантаналари ҳаддан ташқари ошириб юборилаётганлиги, тўйларда ортиқча ияробгарчилик бўлаётгани ва бунинг аянчли оқибатлари очиқ ташланган.

Икки ёш – Мўмин билан Холида бир-бирини жондан ортиқ севади, оила қурмоқчи бўлишади. Бироқ ортиқча хашаму дабдаба, «мен ундан камми?» дея манманлик қилиш, «ким ўзарга» тўй- томоша бериш иллати бу икки ёшнинг бошига бало бўлди. Оила соҳиблари ўз имкониятларига қарамасдан катта тўй қиладилар ва қарзини тўлай олмай беҳад қийналадилар. Бунинг устига, кўп ўтмай Мўминнинг онаси Назира биби кичик қизини дабдабали тўй қилиб

узатмоқчи бўлиб қолади. Шу ниятда она Мўминнинг тўйига тушган бисотга чанг солади: келиннинг буюмларини кизининг тўйига сарфламоқчи бўлади. Ёш келин Холида эса бунга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Шундай қилиб, Мўминни бир томондан онаси, иккинчи томондан, хотини қийнайди. Мўмин онасинининг талабига рози бўлса хотини, хотинининг райига қараса онаси ранжийди, хафа бўлади. Оқибатда Мўмин руҳан эзилади, изтироб чекади, ҳатто ўзини осиб ўлдирмоқчи бўлади.

«Тўйдан кейин томоша»да драматург исрофгарчилик, ортиқча дабдаба кони зиён эканини кўрсатиш билан бирга, қинғир нопок йўллар билан бойлик йиғишни, ҳаром йўл билан йиғилган бойлик эвазига дабдабали тўй қилишни қоралайди. Бу жиҳатдан драмадаги эру хотин Фозилхўжа ва Чамандахон ҳаёти диққатга молик. Фозилхўжа софдил, содда ва ҳалол зиёли. У қурбим, иқтисодий қувватим етади, деб исрофгарчилик қилмас, ортиқча ҳашаму дабдаба билан катта берсам «ё жинни, ё гадо бўламан», -дейди. Фозилхўжа бойликка хирс қўйган, манманликка берилган бойвучча хотини Чамандахон талабларига эътироз билдириб,

Агар ҳаром қўшиб тўй қилганимдан,

Без терганим яхши кўчага чиқиб, -дейди.

Асарда тўй, тўйга тайёргарлик тўйни ўтказиш ва тўйдан сўнги можаралар қизиқарли қилиб акс эттирилган. Ҳаётдаги, айрим кишилар онгидаги салбий, зиёнли ҳолатлар очик кўрсатилаган. Ҳозирги янги даврга муносиб, камтарона, ширин-шакар, маданий тўйлар ўтказиб, севишган келин-

куёвга оқ фотиҳа бериш ғояси илгари сурилган. Ана шунинг учун ҳам «Тўйдан кейин томоша» драмасини Президентимизнинг тўй маросимларини тартибга солиш ҳақидаги кўрсатмаларига ўз вақтида берилган яхши жавоб дейиш мумкин<sup>1</sup>.

Драмада:

Бахтимизга чиққан Фармони олий,

Бизни ташвишлардан айлади холи, - тарздаги сўзларнинг асосий ғоя сифатида акс садо бериши ҳам бежиз эмас. Агарда драмада воқеа ечими янада теран ва ҳаёт ҳақиқатга янада мос қилиб берилса, дабдабали тўй тарафдорларининг пушаймони янада ёрқинроқ акс эттирилса, «Тўйдан кейин томоша» нинг ғоявий мазмуни, тарбиявий эстетик таъсир қуввати ҳеч шубҳасиз ошган бўларди.

Мустақиллик йилларида драматургиямизда миллий урф-одатларимизга садоқат, ахлоқ-одоб, севги-муҳаббат мавзуларинсон кадр-қимматини улуғлаш масалалари билан узвий боғлиқликда акс эттирилди. Эркин Хушвақтовнинг «Чимилдиқ» драмасида бу хусусият ўзига хос бир йўсинда намоён бўлади. Асар сюжети бир-бирини илк бор чимилдиқда кўрган икки ёшнинг қалб туғёнлари, мулоқоту мунозаралари, мурсою муҳаббатлари асосига қурилган.

Авваллари бутунлай рад этилган ва қораланган миллий урф-одатларимиз келин, куёв, момо, янга, қайнона, қайинсингил образларининг ҳаракатлари, диалог ва ички монологлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 1998 й. 29 октябр.

воситасида хайрихоҳлик билан кўрсатилган. «Чимилдиқ» драмаси томошабоп қизиқарли қилиб яратилган.

Санжарали Имомовнинг «Суперқайнона», «Эргинамнинг орзуси» комедияларида ҳам севги-никоҳ, оила мустаҳкамлиги, миллий урф-одатларимизга риоя қилиш масалалари жуда қизиқарли ва таъсирли қилиб кўрсатилган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келитиришимиз мумкин.

Мустақиллик даврида ўзбек драматургияси эришган ютуқлар фақат юқорида қайд этилганларидангина иборат эмас. Бу даврда драматургияда жанрий ўсиш-ўзгаришлар ҳам кўзга ташланади. Драматурглар янги замон ғояларини ифодалашда комедия жанри имкониятларидан самарали фойдаландилар. Самимий юмор билан суғорилган хушчақчақ комедиялар билан бирга «Шайтон ва фаришта», «Сойибхўжа операси», «Куёв» сингари трагик комедиялар ҳам юзага келди.

Бу даврда ўзбек драматургиясида оғзаки ва ёзма адабиётимизда мавжуд бўлган сюжетлар асосида сахна асарлари яратиш анъанаси ҳам давом эттирилди. Натижада Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», Ойбекнинг «Навоий», Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» роман ва қиссалари асосида янги-янги сахна асарлари, кино ва телефильмлар яратилди.

Умуман олганда мустақиллик даврида ўзбек адабиётида сахна асарлар кам ёзилмади. Бироқ томошабинларга ҳар жиҳатдан манзур бўладиган юксак сифатли асарлар кам

ёзилди. Бунинг устига, айниқса, мустақиллик туфайли юзага келган моддий ва маънавий ҳаётда, одамларимиз онг-тушунчаси ва дунёқарашидаги янгиликлар, туб сифат ўзгаришларини янги замонда вужудга келган янги қаҳрамонлар тимсолида маҳорат билан гавдалантирувчи етук сахна асарлари етарли эмас. Ҳозирги вақтда мулкни хусусийлаштириш, савдо-сотик, фермерлар ҳаёти, олий ўқув юртларидаги ислохатлар, миллий кадр тайёрлаш дастурини амалга оширишдаги муаммолари, чет эллик ишбилармонлар билан бўладиган муомила-муносабатлар ҳақида янги-янги сахна асарлари ёзилса, халқ хўжалигининг турли соҳаларида жавлон уриб ҳалол меҳнат қилаётган тадбиркорларимизнинг кўплаб хилма-хил, жонли, ёрқин образлари яратилса айни муддао бўлар эди.

Матбуотда «Лекин драматургия давр талабларидан ортда қоляпти. Маиший муҳитни тасвирлаш кучайди. Тарихий асарларни сахнага олиб чиқишда тарихийлик мезонлари бузилиб, даврнинг ҳақиқий манзараси шошма-шошарлик билан бир ёқлама кўрсатилаётир»<sup>1</sup> –деб ёзилди. Бу танқидий фикрда муайян даражада ҳақиқат бор. Демак, мустақиллик даври драматургиясининг ўзига хос муаммолари ва вазифалари мавжуд.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 1999 й, 17 август.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, умумтаълим мактабларда драматик асарларни ўқувчиларга ўргатиш жараёнида асар тилининг тушунарли бўлишига, ўқувчиларнинг ёшини ва савиясини ҳисобга олиш зарур. Драматик асар тилининг ўзига хос қийинчиликларини назарда тутган ҳолда асарнинг мазмуни билан таништириб бориш лозим.

Беҳбудий жамият тараққиёти ҳақида қандай муаммоларни кўтариб чиқмасин, ҳаммасида туб асос қилиб оила билан мактаб ўртасида яхши алоқаларни йўлга қўйиш ёшлар таълим-тарбиясининг негизи деб билади. Бусиз бола тарбиясини кўнгилдагидек ривожлантириб бўлмайди. Мазкур муаммо ҳамон кун тартибида турган энг долзарб масала эканлиги билан ҳам ўз қимматини сақлаб қолади. Истиқлолимизни мустаҳкамлаш борасидаги курашларимизда биз бу масалани ҳамisha диққат марказда сақлаб турамиз. Ёшларимизни буюк аجدодларимиздан қолган маънавий мерос, энг илғор миллий анъаналаримиз заминида, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бундан кейин ҳам биринчи даражали масалалардан бўлиб қолади, уни ҳал этишда Беҳбудий ва унинг сафдошлари маънавий меъроси бизга кўмак беради.

Беҳбудийнинг маърифатпарварлик ғояларига нақадар содиқ бўлиб қолганлиги, ҳатто шу йўлда ҳалок бўлса, уни шарафли ўлим деб аташини «Падаркуш» драмаси мисолида кўриб чиқдик.

«Падаркуш» асари хотимасида зиёли саҳнадан одамларга қараб: «Илмсиз ва тарбиясиз болаларнинг оқибати шулдир.

Агарда буларни отаси ўқитса эди, бу жиноят ва падаркушлик содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди», дейди.

Кўринадикки, драмада ҳаётий воқеа ва зиддиятлар кўрсатилиб, нодонлик ва жаҳолат қораланган. Илмсизлик ва маишатбозлик, ахлоқсизлик танқид қилинган. Илм-маърифатни эгаллаш ғояси тарғиб-ташвиқ этилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари ўз навбатида ўзбек драматургиясининг шаклланишига, хусусан, бунда маърифатпарварлик анъаналарининг қарор топишига самарали таъсир этди. Натижада Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, А.Бадрий, Ҳожи Муин Шукурулло, Тавалло каби ёзувчиларнинг маърифатпарлик руҳида ёзилган асарлари бирин-кетин юзага кела бошлади. Битта факт. Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесасида илмнинг аҳамиятини тан олмаган нодон бой ота фожиаси кўрсатилган ва бойликка эга бўлиш ўз отасини ўлдирган бола образи яратилган бўлса, Ҳамзанинг «Янги саодат» асарида ўқиб, илм олиб отаси Абдуқаҳҳор бойваччани ҳалокатдан қутқарган бола образи тасвирланган.

Умуман олганда Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси кўп ҳолларда ёш ёзувчиларга сахна асарлари яратишда ўрнак ва туртки бўлиб хизмат қилди.

Буюк адиб Абдулла Қодирий ўзининг «Таржимаи ҳолида» «1913 йилда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим», деб қайд этган эди. Таниқли жаид ёзувчиси Ҳожи Муин Шукурулло 1914 йилда «Падаркуш» спектаклини

кўриб ундан жуда қаттиқ таъсирланган. Ҳожи Муин «Шундан кейин мен шоирликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, сахна адабиёти яратиш фикрига тушдим»,<sup>1</sup>-деб ёзган эди. Бу ёзувчининг «Тўй», «Кўкнори», «Мазлума хотин», «Эски мактаб-янги мактаб» каби сахна асарларида Бехбудий таъсири сезилади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Бехбудий ўзбек драматургиясини бошлаб бериш билан бирга, ўзбек театршунослигига ҳам асос солган. Бехбудий мамлакатимизда биринчилардан бўлиб театрнинг муҳим тарбиявий-эстетик аҳамиятини чуқур идрок этган. Театр санъатининг халқимиз маънавий-маданий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаши, Туркистонда миллий театр яратиш учун жонкуярлик қилган. «Театр надир», «Самарқандда театр», «Туркистонда биринчи театр», «Ўйнайтурсон одам йўқдир», «Падаркуш» важҳидан», «Театр мусиқий, шеърий» сингари мақолалар ёзиб театр санъатини изчил тарғиб-ташвиқ қилган. Бу санъатнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари ҳақида юртимизда биринчилардан қимматли фикрларни баён этган.

Хуллас, Маҳмудхўжа Бехбудий халқпарвар, маърифатпарвар ва ватанпарвар ижодкор сифатида ўзбек драматургиясининг тамал тошини қўйиш уни шакллантириш соҳасида изчил изланишлар олиб борган. Биринчи миллий драма-«Падаркуш»ни яратган. Бехбудийнинг маърифатпарварлик соҳасидаги бошқа хайрли хизматлари билан бир қаторда, драматургия соҳасидаги сай ҳаракатлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1999 йил 17 декабрь

Юқорида биз мустақиллик даври драматургияси ҳақида ҳам сўз юритдик. Дарвоқе, матбуотда «Лекин драматургия давр талабларидан ортида қоляпти. Маиший муҳитни тасвирлаш кучайди. Тарихий асарларни сахнага олиб чиқишда тарихийлик мезонлари бузилиб, даврнинг ҳақиқий манзараси шошма-шошарлик билан бир ёқлама кўрсатилаётир»<sup>1</sup>-деб ёзилди. Бу танқидий фикрда муайян даражада ҳақиқат бор.

Демак, мустақиллик даври драматургиясининг катта ютуқлари бўлганидек, унинг ўзига хос муаммолари ва ҳалигача етарли равишда бажариб улгирмаган вазифалари ҳам мавжуд. Бироқ, шунга қарамай, драматургиямизнинг келажаги янада яхши бўлишига умид ва етарли асос бор.

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1999 й. , 17 августъ.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Фармони «Халқ сўзи» газетаси 1998 йил 29-октябрь.
3. Бехбудий. «Падаркуш» драмаси. «Шарқ юлдузи» журнали 1989 йил 7-сон.
4. Бегали Қосимов, Шариф Юсупов ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Тошкент. «Маънавият» 2004.
5. Аҳмад Алиев Истиқлол ва адабий мерос. Тошкент «Ўзбекистон» 1997й.
6. Зиё Саид. Танланган асарлар Тошкент 1974 й.
7. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. 1-Том 84 бет. 1992й.
8. «Халқ сўзи» газетаси 1996 йил 25-октябрь.
9. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1999 йил 17 августь.
10. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси 1999йил 17-декабрь.
11. Ўткир Ҳошимов. «Танланган асарлар» Тошкент. 1990 йил.
12. Ҳаммуаллифлар XX аср ўзбек адабиёт тарихи. Тошкент «Ўқитувчи» 1999 йил.
13. XX аср ўзбек адабиёти.11-синф учун дарслик.Тошкент,1995

## Мундарижа

|                                                                              |    |
|------------------------------------------------------------------------------|----|
| МУАЛЛИФ АННАТОЦИЯСИ .....                                                    | 3  |
| АСОСЛАМА .....                                                               | 6  |
| КИРИШ .....                                                                  | 8  |
| I. БОБ . Умумтаълим мактабларда адабиёт дарсларида драма жанрини ўқитиш..... | 13 |
| II. БОБ. Мустақиллик даври ўзбек драматургияси.....                          | 47 |
| ХУЛОСА.....                                                                  | 65 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....                                                | 69 |